ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

## “ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ АРХИТЕКТУРА-ЛОЙИҲАВИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ” ЙЎНАЛИШИ

# “ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРНИ САҚЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШ”

## модули бўйича

# Ў Қ У В –У С Л У Б И Й  М А Ж М У А

**Тошкент – 2018**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** ТАҚИ, арх.ф.н., профессор, Пўлатов Х.Ш.
ТАҚИ, арх.ф.н., доц, Маматмусаев Т.Ш.
ТАҚИ, асс. Абдураҳимов Р.Б.

**Тақризчи:** ТАҚИ, архитектура ф.д.проф.Ахмедов М.Қ.

***Ўқув -услубий мажмуа Тошкент архитектура қурилиш институти Кенгашининг 2018 йил __________даги ___-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.***

# МУНДАРИЖА

**I. ИШЧИ ДАСТУР** ........................................................................................ 2

**II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ** .................................................................................. 8

**III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР** ........................................................................ 15

**IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛИ** ...................................... 124

**V. КЕЙСЛАР БАНКИ** ........................................................................................ 127

**VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ** ................................................ 129

**VII. ГЛОССАРИЙ** ............................................................................................. 132

**VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ** ...................................................................... 135

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака

ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ушбу ишчи дастур “Тарихий шаҳарларни сақлаш ва таъмирлаш”ни XIX асрдан XXI-асргача янги йўналишда ўтган ривожини қамрайди, мазкур даврлар ривожидаги ўзига хос хусусиятларни, услубий ва бадиий маҳорат таснифини, фан ривожининг шаклланиш тамойилларини ҳамда Республикамиз мустақиллиги йилларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг архитектура ва шаҳарсозлиги билан ўзаро боғлиқлигини ифода этади.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни “**Тарихий шаҳарларни сақлаш ва таъмирлаш**” модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор ғоялар ва махсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таништиришдан иборат.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Тарихий шаҳарларни сақлаш ва таъмирлаш” модули мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини ўз фаолиятларида шаҳарсозлик ва меъморий ёдгорликларни муносиб равишда қадрлай оладиган даражада тайёрлашдир.

Дастур шаҳарсозлик ва меъморий ёдгорликларнинг таърифлари, уларнинг тарихий ва бадиий–меъморий қийматларини аниқлаш, уларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган қайта қуриш ва таъмирлаш тадбирларини ўтказиш лойиҳаларини тузиш ҳамда бундай ёдгорликлар билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни қамраб олган.

**“Тарихий шаҳарларни сақлаш ва таъмирлаш” модули вазифалари:**

Модулнинг муҳим вазифалари қаторига тингловчиларда тарихий жойларни, меъморий мажмуаларни, уларни малакали баҳолашга, муайян вазиятларни инобатга олган ҳолда бундай ёдгорликларга нисбатан лозим бўладиган тадбирлар турларидан энг оптималини танлай олишга ўргатишни ва бунга мос равишда тингловчиларда керакли билим ва малакани шакллантиришни ўз ичига олади.

## Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**“Тарихий шаҳарларни сақлаш ва таъмирлаш”** курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- мeморий ва шаҳарсозлик меросига доир қонунчилик хужжатларини;
- қайта қуриш ва таъмирлаш назариясини;
- таъмирлаш ва қайта қуриш соҳасидаги фанларни ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- қайта қуриш лойиҳаларининг таркиби, уларни тузиш ҳақида **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- тарихий жойларни қайта қуриш лойиҳаларини тузиш;
- қўриқхоналар ташкил этиш, сақланган обидаларни инобатга олган ҳолда ҳудудларни қайта қуриш;

- меъморий обидаларга, уларнинг тарихий–бадиий қийматларига кўра консервация, аностилоз ва бошқа таъмирлаш усулларини қўллаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- қайта қуриш лойиҳалари ғоясини асослай олиш;
- тарихий маҳаллаларни, меъморий мажмуаларни қайта қуриш лойиҳалари;
- осори–атиқаларни таъмирлаш лойиҳаларини тузиш ҳамда уларда қабул қилинган ечимларни илмий жиҳатдан асослаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- модулга оид фанларни ўқитишда тарихий шаҳарларни сақлаш ва қайта қуриш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлардан оқилона фойдалана олиш, ушбу сохадаги илғор хорижий тажрибаларни таълим жараёнида қўллай олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

**“Тарихий шаҳарларни сақлаш ва таъмирлаш”** модули ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқ чунончи, “Архитектура назариясида тизимли таҳлил”, “Шаҳар ва туманларнинг тарҳий таркиби”, “Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси” модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар меъморларнинг ижодий фаолиятларида қурилиши мутлақ янги ҳудудлар учун мўлжалланади. Бу таъмирлаш ва қайта қуриш ишларини катта аҳамиятга эга эканлигини яққол

кўрсатадиган касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ҳаммаси | Аудиториядаги ўқув юкламаси | | | Кўчма машғулот | Мустақил тайёргарлик |
| | | | Жами | Жумладан: | | | |
| | | | | Назарий | Амалий | | |
| 1. | Тарихий шаҳарсозлик бўйича асосий атамалар | 2 | 2 | 2 | | | |
| 2. | Тарихий аҳоли жойларига оид тадқиқот ишлари | 6 | 2 | 2 | | | 4 |
| 3. | Тарихий шаҳарларнинг ўзаги (каркаси)ни қайта қуришни лойиҳалаш | 2 | 2 | 2 | | | |
| 4. | Тарихий шаҳарларнинг тўқмаси (турар-жойлар массивлари)ни қайта қуришни лойиҳалаш | 6 | 6 | 2 | 2 | 2 | |
| 5. | Тарихий шаҳар бош тарҳларида вазифа бажариш учун муайян ҳудудни белгилаш | 2 | 2 | | 2 | | |
| 6. | Белгиланган ҳудуднинг тарҳий тузилиши жиҳатини таҳлил этиш | 2 | 2 | | 2 | | |
| 7. | Белгиланган ҳудуднинг ҳажмий-фазовий жиҳатини таҳлил этиш | 2 | 2 | | 2 | | |
| 8. | Иморатларнинг тарихий-меъморий қийматларини белгилаш | 2 | 2 | | 2 | | |
| 9. | Тарихий ҳудуднинг қайта қурилишини лойиҳалаш | 2 | 2 | | 2 | | |
| 10. | Лойиҳа аннотациясини ёзиш | 2 | 2 | | 2 | | |
| 11. | Тарихий шаҳарларни қайта қуриш бўйича таълим масалалари | 2 | 2 | 2 | | | |
| **Жами:** | | **30** | **26** | **10** | **14** | **2** | **4** |

## Назарий машғулотлар мазмуни

### 1-мавзу: Тарихий шаҳарсозлик бўйича асосий атамалар

Архитектуравий мерос. Шаҳарсозлик мероси. Атамалар. Ўзбекистонга хос бўлган тарихий шаҳарларни тарҳий қонуниятларининг қадимдан бугунгача ривожи. Бугунги сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш муаммолари.

Асосий тушунчалар. Шаҳар морфологияси. Тарихий аҳоли жойлари морфологияси.

### 2-мавзу: Тарихий аҳоли жойларига оид тадқиқот ишлари

Тарихий шаҳарларнинг таркибий тизимлари ва уларнинг комплекс тадқиқоти. Шаҳар негизи тадқиқоти. Марказлар тадқиқоти. Турар жойлар тадқиқоти. Тарихий жойларда тадқиқот ўтказиш: тарихий шаҳарнинг таркибий тизимлари ва уларнинг комплекс тадқиқоти. Шаҳар негизи тадқиқоти. Марказлар тадқиқоти. Турар жойлар тадқиқоти.

### 3-мавзу: Тарихий шаҳарларнинг ўзаги (каркаси)ни қайта қуришни лойиҳалаш

Таркибий тизимларни комплекс қайта қуришни лойиҳалаш. Шаҳар негизини қайта қуришни лойиҳалаш. Тарихий марказларни қайта қуришни лойиҳалаш. Янги шаҳарсозликнинг назариясида ва амалиётида тарихий шаҳарларни сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш. Ўзбекистон ва чет эл мамлакатлари тажрибаси. Тарихий жойларни қайта қуришни лойиҳалаш. Тарихий шаҳарларнинг ўзагини қайта қуриш. Таркибий тизимларни комплекс қайта қуришни лойиҳалаш. Шаҳар негизини қайта қуришни лойиҳалаш.

### 4-мавзу: Тарихий шаҳарларнинг тўқмаси (турар-жойлар массивлари)ни қайта қуришни лойиҳалаш

Тарихий турар жойларни қайта қуришни лойиҳалаш. Шаҳарнинг марказий қисмидаги турар жойларни қайта қуришни лойиҳалаш. Шаҳарнинг ўрта ва чекка қисмларидаги турар жойларни қайта қуришни лойиҳалаш. Тарихий маҳаллаларни қайта қуришни лойиҳалаш. Маҳалла бозорлари ҳудудини қайта қуриш. Оддий ва типик маҳалла ҳудудларини қайта қуриш. Маҳалла мавзе ҳудудини қайта қуриш.

### 5-мавзу: Тарихий шаҳарларни қайта қуриш бўйича таълим масалалари

Таъмирлаш ва қайта қуриш. Машғулот турлари ва назоратлар. Курс лойиҳаси. Қайта ўзлаштириш. Тарихий шаҳарларни қайта қуриш бўйича самарали методологияларни ўқув жараёнига ва амалиётга жорий қилиш. Янги билим талаблари, янги кўникма талаблари ва малакага қўйиладиган талаблар.

## Амалий машғулотлар мазмуни

### 1–амалий машғулот: Тарихий шаҳар бош тарҳларида вазифа бажариш учун муайян ҳудудни белгилаш

Тингловчига вазифа тариқасида берилган бош тарҳда тарихан қизиқарли бўлган кўча (тор кўча, берк кўча)ни белгилаш. Кўча (тор кўча, берк кўча)га туташ бўлган 6-8 хонадонни қайта қуриш лойиҳасини тузиш учун ажратиб олиш.

**2–амалий машғулот: Белгиланган ҳудуднинг тарҳий тузилиши жиҳатини таҳлил этиш**

Ажратилган ҳудуддаги хонадонларнинг чегараларини, кириш жойлари (эшик ўрни ва дарвозахоналар)ни кўрсатиш. Хонадонлардаги хоналар таркиби (мехмонхона, асосий хона, даҳлиз ва бошқалар)ни ажратиб олиш.

**3–амалий машғулот: Белгиланган ҳудуднинг ҳажмий-фазовий жиҳатини таҳлил этиш**

Хонадонларнинг тўғри ёки синиқ қирқим чизиғи бўйича баландликларини кўрсатиш. Ҳудудда кўча бўйлаб хонадонларнинг ёйма чизмасини бажариш.

**4–амалий машғулот: Иморатларнинг тарихий-меъморий қийматларини белгилаш**

Шартли равишда хонадонларнинг бадиий-меъморий ҳамда тарихий қийматлари (юқори даражадаги қийматга эга, ўрта даражадаги қийматга эга ва қийматга эга эмас)га мос равишда ҳудудда тўрттала категорияни ажратиш.

**5–амалий машғулот: Тарихий ҳудуднинг қайта қурилишини лойиҳалаш**

Юқори, ўрта ва жузъий қийматларга эга бўлган ҳамда қийматга эга эмас категорияларидаги хоналарга нисбатан уларга мос равишда лойиҳавий ечимлар ишлаб чиқиш.

**6–амалий машғулот: Лойиҳа аннотациясини ёзиш**

Танланган лойиҳавий ечимларга асосланган ҳолда қайта қуриш лойиҳаси шарҳини қисқа хажмда тузиш. Аннотацияни имконият доирасида сўзбоши, асосий ва хулоса қисмларидан иборат ҳолда ёзиш тавсия этилади.

**7 – амалий машғулот: Бажарилган қайта қуриш лойиҳаси ҳимояси**

Тингловчи ҳудуднинг тадқиқотини ва лойиҳаласини презентация қилиши керак. Алоҳида эътибор лойиҳа ечимларининг асосланишига урғу берилиши лозим. Берилган саволларга лўнда ва аниқ жавоб бериш керак. Ҳимоя сўзлари ташаккур изхор этилиши билан якунланади.

### Кўчма машғулот мазмуни

Ушбу модулда кўчма машғулот амалий машғулот сифатида берилган. Тошкент шаҳри (Чорсу)даги тарихий қурилмаларни жойида ўрганиш вазифа сифатида берилади.

1. Тошкентнинг ривожланиш босқичлари.
2. Ҳудуд ўрни тўғрисида маълумот бериш.
3. Хонадонларнинг қийматини ифодалаш.
4. Фиксация (ўлчов, суръатга олиш).

### Ўқитиш шакллари

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

| № | Топшириқ турлари | Баллар тақсимоти | Максимал балл |
|---|---|---|---|
| 1 | Мавзулар бўйича кейслар | 1,5 балл | 2.5 |
| 2 | Мустақил иш топшириқлари | 1,0 балл | |

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Кейс-стади” методи

**«Кейс-стади»** - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият

сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/Қанақа (How), Нима-натижа (What).

**“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

| Иш босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|---|---|
| **1-босқич:** Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;<br>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);<br>✓ ахборотни умумлаштириш;<br>✓ ахборот таҳлили;<br>✓ муаммоларни аниқлаш |
| **2-босқич:** Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш | ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;<br>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| **3-босқич:** Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш | ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;<br>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;<br>✓ муқобил ечимларни танлаш |
| **4-босқич:** Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот | ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;<br>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;<br>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш |

**Кейс.** Янги шаҳарсозлик назариясида ва амалиётида тарихий шаҳарларни сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш доимо долзарб масалалардан бири бўлган. Ўзбекистон ва чет эл мамлакатлари тажрибаси буни исботлайди. Тарихий шаҳарлар марказлари бугунги кунда машиналар тирбандлиги муаммосига дуч келмоқда. Натижада тарихий ҳудудларда кенг йўллар ўтказилиб, тарихий қисмларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳудудларда замонавий биноларнинг қад кўтариши тарихий муҳит йўқолишига олиб келмоқда. Бу каби муаммоларни қандай ечиш мумкинлиги хусусида таклифлар беринг?

•Кейсдаги муаммони самарали бартараф этиш йўлларини белгиланг (кичик гуруҳларда);

•Таклиф этилаётган муаммони ечиш йўлларини асослаб беринг (индивидуал).

## “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

| | |
|---|---|
| **S – (strength)** | • кучли томонлари |
| **W – (weakness)** | • заиф, кучсиз томонлари |
| **O – (opportunity)** | • имкониятлари |
| **T – (threat)** | • тўсиқлар |

**“Тарихий шаҳарларни сақлаш ва таъмирлаш”** SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

| | | |
|---|---|---|
| **S** | **Асосий тушунчалар** | Ўзбекистонга хос бўлган тарихий шаҳарларни тарҳий қонуниятларининг қадимдан бугунчага ривожи. Бугунги сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш муаммолари. Шаҳар морфологияси. Тарихий аҳоли жой морфологияси. |
| **W** | **Тадқиқот ишлари** | Тарихий жойларда тадқиқот ўтказиш: тарихий шаҳарнинг таркибий тизимлари ва уларнинг комплекс тадқиқоти. Шаҳар негизи тадқиқоти. Марказлар тадқиқоти. Турар жойлар тадқиқоти. |
| **O** | **Ўзакни лойиҳалаш** | Янги шаҳарсозлик назариясида ва амалиётида тарихий шаҳарларни сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш. Ўзбекистон ва чет эл мамлакатлари тажрибаси. Тарихий жойларни қайта қуришни лойиҳалаш. Тарихий шаҳарларнинг ўзагини қайта қуриш. Таркибий тизимларини комплекс қайта қуришни лойиҳалаш. Шаҳар негизини қайта қуришни лойиҳалаш. |
| **T** | **Тўқмани лойиҳалаш** | Тарихий маҳаллаларни қайта қуришни лойиҳалаш. Маҳалла бозорлар ҳудудини қайта қуриш. Оддий ва типик маҳалла ҳудудларини қайта қуриш. Маҳалла мавзе ҳудудини қайта қуриш. |

## «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- тингловчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

| | |
|---|---|
| **Ф** | • фикрингизни баён этинг |
| **С** | • фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг |
| **М** | • кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг |
| **У** | • фикрингизни умумлаштиринг |

- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили тингловчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Фикр:** Тошкент шаҳрининг тарихий қисмида ички ҳалқа йўли (Нурафшон кўчаси) ўтказилиши, кўп қаватли бинолар қурилиши амалга оширилмоқда. Ушбу ишлар бир қанча муаммоларнинг олдини олишга ёрдам беради.

**Топшириқ:** Мазкур тадбирларга бўлган муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

## “Ассессмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали тингловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-4 балгача баҳоланиши мумкин.



**Тест**

“Тарихий мерос” иборасига берилган тўғри таърифни аниқланг?

А. Ўтмишдан бизгача сақланган ҳар қандай маданий мерос;

Б. Ўтмишдан бизгача сақланган шаҳарсозлик мероси

В. Ўтмишдан бизгача сақланган меъморлик мероси

Г. Ўтмишдан бизгача сақланган санъат сохасига оид мерос



**Қиёсий таҳлил**

Меморлик ва шаҳарсозлик меросини ўзаро таққосланг?



**Тушунча таҳлили**

Шаҳарларни сақлаш ва қайта қуриш тушунчасини изоҳлаб беринг?



**Амалий кўникма**

Иморатларнинг тарихий-меъморий қийматлари нималарга асосан белгиланади?

## “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир тингловчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

| Тушунчалар | Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади? | Қўшимча маълумот |
|---|---|---|
| **Асосий тушунчалар** | Ўзбекистонга хос бўлган тарихий шаҳарларни тарҳий қонуниятларининг қадимдан бугунчага ривожи. Бугунги сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш муаммолари. Шаҳар морфологияси. Тарихий аҳоли жой морфологияси. | |
| **Тадқиқот ишлари** | Тарихий жойларда тадқиқот ўтказиш: тарихий шаҳарнинг, таркибий тизимлари ва уларнинг комплекс тадқиқоти. Шаҳар негизи тадқиқоти. Марказлар тадқиқоти. Турар жойлар тадқиқоти. | |
| **Ўзакни лойиҳалаш** | Янги шаҳарсозликнинг назариясида ва амалиётида тарихий шаҳарларни сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш. Ўзбекистон ва чет эл мамлакатлари тажрибаси. Тарихий жойларни қайта қуришни лойиҳалаш. | |
| **Тўқмани лойиҳалаш** | Тарихий маҳаллаларни қайта қуришни лойиҳалаш. Маҳалла бозорлар ҳудудини қайта қуриш. Оддий ва типик маҳалла ҳудудларини қайта қуриш. Маҳалла мавзе ҳудудини қайта қуриш. | |
| **Таълим масалалари** | Тарихий шаҳарларни қайта қуриш бўйича самарали методологияларни ўқув жараёнига ва амалиётга жорий қилиш. Янги билим талаблари, янги кўникма талаблари ва малакага қўйиладиган талаблар. | |

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага тингловчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

# III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

## 1-мавзу: Тарихий шаҳарсозлик бўйича асосий атамалар.

**Режа:**

1.1. Архитектуравий мерос.
1.2. Шаҳарсозлик мероси.
1.3. Атамалар.

***Таянч иборалар:*** *тарихий қатламлар, меъморий ёдгорликлар, шаҳарлар морфологияси, арк, шаҳристон, рабод, вақт масштаби, ретроспектива.*

### 1.1. Архитектуравий мерос.

Тарихий шаҳарларни, умуман тарихий жойларни қайта қуриш лойиҳаларини тузишга киришишдан олдин мазкур ҳудудларнинг шаклланиши ва ундан кейинги ҳаётидаги ўзгаришларнинг туб моҳиятини, уларнинг эволюцияси жараёнида ўзгаришларнинг мунтазамлилигини тўлақонли, ҳар томонлама таҳлил этиш, англаш катта аҳамиятга моликдир.

Ҳар қандай иншоот, шаҳарнинг замини бўлиши ер ўз қаърида илк даврлардан бошлаб наботот, хайвонот, қадимги одам фаолияти қолдиқларини яшириб келади. Рудвикнинг “Инқилоб давридаги Ер тарихининг қайта тикланиши” деган китобида Заминнинг шаклланиши, илк хаёти ҳамда XVIII аср охири XIX аср бошидаги француз инқилоби даврида Ер тарихига оид илмий мунозаралар ҳақида гап кетади. Асарда археологик қолдиқлар, Помпея ва Геркуланум шаҳарларини вулқон натижасида халок бўлиши, Парижнинг замини бир вақтлар кўл бўлганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди. Бироқ бевосита шаҳарлар, уларнинг қайта тикланиши хусусидаги мавзулар ёритилмаган.[1]

Бу эса тадқиқот моҳиятига етишишни: тарихий аҳоли жойларининг муҳим таркибий қисмларини, улардаги яхлитликни таъминловчи боғлиқликларини, яъни пухта тизим ташкил этилишини ҳар томонлама комплекс равишда ўрганишни тақозо этади.

### 1.2. Шаҳарсозлик мероси

Шаҳарсозлик тизимни умуман меъморий муҳитни такомиллаштириш мутахассислар томонидан, шаҳарсоз, меъморларнинг режалашлари қурувчиларнинг сайи – харакатлари орқали амалга оширилади. Америкалик тадқиқотчи Кристофер Александер файзли шаҳар ва меъморий муҳитни

[1] Martin J.S. Rudwick. Bursting the limits of time: The Reconstruction of Geohistory in the Age of Revolution. The University of Chicago Press, 2005. Page VII – XI

анъанавий лойиҳалаш ва қурилиш тамойилига зид равишда оддий инсонлар яратади деб билади.[2]У ўзининг 12 жилддан иборат асарларида меъморликка ва лойиҳалашга фалсафий нуқтаи назардан ёндашади. Мазкур хол асарларнинг номларида ҳам акс этган.
1-жилд: Вақтга бўйсинмаган меъморлик
2-жилд: Улгилар тили
3-жилд: Орегон мактаби
4-жилд: Қаҳвахона
5-жилд: Уйсозлик
6-жилд: Шаҳар режалашнинг янги назарияси
7-жилд: 21-аср санъати куртаги: ҳақиқий қадимги турк гиламларининг туси ва геометрияси
8-жилд: Мери Роз музейи
9-12 жилдлар (мос равишда 1-4 китоблар) умумий ном – "Ордер табиати" номи билан аталади.
1-китоб: Хаёт ходисаси
2-китоб: Ижодий хаёт жараёни
3-китоб: Олам хаётига назар
4-китоб: Ёрқин замин.[3]

2-жилд "Улгилар тили" китоби Шарқ, жумладан Ўзбекистон меъморий меросни қўллаш имкониятини кўрсатиб берганлиги бизнинг алоҳида эътиборимизга лойиқдир. Китобда жаъми 253 та pattern – улги берилган. Асар "Шаҳарлар", "Иморатлар", "Қурилиш" номли уч қисмдан иборат. Ҳар уччала қисмда ҳам бирнеча улги алоҳида – алоҳида туркумларни ташкил этади.

Қуйида қайта қуришга у ёки бу даражада қайта қуришга тегишли улгилар келтирилади.

*Шаҳарлар*

1. Эркин ҳудудлар.

2. Шаҳарларнинг ёйилиши; 3. Шаҳар ва қишлоқларнинг бир бирларига сингиб кетиши; 4. Деҳқончилик воҳалари; 5. Қишлоқ йўллари тури; 6. Чекка шаҳарлар; 7. Қишлоқ жой.

8. Субмаданиятлар қурамаси; 9. Иш жойларининг ёйилиши; 10. Катта шаҳар сеҳри; 11. Маҳаллий улов хизмати туманлари.

12. Етти минг аҳолили туман; 13. Субмаданиятлар чегараси; 14. Таниш микрорайонлар; 15. Микрорайонлар чегараси.

16. Жамоат транспорт тармоғи; 17. Халқ автоуловлар; 18. Таълим тармоғи; 19. Магазинлар тармоғи; 20. Микроавтобуслар . . . . .

22. Автотураргоҳларга ҳудуднинг фақат тўққиз фоизи . . . . .

24. Қўриқхона жойлар; 25. Обраҳа (сувга бориш имконияти); 26. Ҳаёт давраси. . . . .

28. Тарқоқ марказ; 29. Зич иморатлар ҳалқаси; 30. Ижтимоий фаоллик марказлари; 31. Сайлгоҳлар. . . . .

---

[2] Christopher Alexander, Sara Ishikawa, Murray Silverstein. A Pattern language Towns, buildings, construction. New York, Oxford university press, 1977. Page II
[3] C.Alexsander. The natur of order: The phenomenos of life. Californiya, 2002; page 2

37. Турар жойлар гужуми; 38. Чакана (оддий) иморатлар мажмуаси. . . .
46. Маҳаллий сотувчилар; 47. Саломатлик марказлари. . . .
51. Яшил кўчалар. . . .
53. Асосий дарвоза; 54. Пиёдалар ўтиш жойлари. . . .
57. Катта шаҳар болалари. . . .
59. Хилватгоҳлар; 60. Яқиндаги кўкаламзор. . . .
62. Баландлик урғулари. . . .
64. Ҳовузлар ва оқар сувлар. . . .
66. Диний марказлар; 67. Ижтимоий ҳудуд; 68. Умумий ўйингоҳ муҳити. . . .
70. Қабристонлар. . . .
73. Болаларнинг ўйин майдонлари; 74. Хайвонлар; 75. Оила. . . .
92. Автобус бекати; 93. Кўча овқати. . . .

*Иморатлар*

94. Бино–мажмуа. . . .
99. Бош иморат. . . .
104. Ҳудудда қайта қуриш; 105. Иморатнинг қуёшрўя томонидаги жой; 106. Очиқ муҳитдан тўғри фойдаланиш. . . .
121. Пиёда йўлларининг шакллари. . . .
134. Дзен – манзара . . . .
142. Ўтириш жойи даражалари. . . .
147. Биргаликда овқатланиш. . . .
154. Уйнинг ўсмирлар учун қисми; 155. Уйнинг қариялар учун қисми. . . .
161. Офтобли жой; 162. Сояли жой; 163. Ташқи ҳовли. . . .
170. Мевали дарахтлар ; 171. Дарахтлар; 172. Ёввойи боғ; 173. Боғ девори. . . .
175. Иссиқхона (теплица) . . . .
177. Томорқа; 178. Компост; 179. Холис жойлар (бурчаклар); 180. Деразали холи жой; 181. Ўчоқ; 182. Жамоавий овқатланиш муҳити. . . .

191. Ички муҳит геометрияси. . . .
194. Ички деразалар. . . .
197. Қалин деворлар. . . .
203. Болалар бошпанаси. . . .
205. Ижтимоий муҳит белгилаган тарҳий ечим. . . .

*Қурилиш*

206. Самарали конструкциялар; 207. Афзал қурилиш ашёлари. . . .
218. Тоқли-равоқли ёпмалар. . . .
224. Баландлиги паст (эгилиб кириладиган) эшик. . . .

226. Устунларнинг ижтимоий аҳамияти; 227. Таянч ва тўсин конструкцияларнинг ўзаро бирикуви. . . .

232. Томнинг чўққиси. . . .

235. Деворга юмшоқ ички ишлов лозимлиги. . . .

241. Ўтириш жойлари; 242. Олд эшикка туташ ўриндиқ. . . .

249. Нақшин безаклар; 250. Иссиқ ранглар. . . .

252. Ёруғлик ороллари; 253. Ёдгорлик буюмлар.[4]

Қайта тиклаш фанини ўзлаштириш жараёнида шаҳарсозлик ва меъморий ижодида қўлланиладиган махсус сўзларни ўз ўрнида ва туб маъносини мумкин қадар тўлароқ ифодалайдиган ибораларни қўллаш ниҳоятда муҳимдир.

*Шаҳарсозлик мероси.* Ўтган замонда пайдо бўлган, турли ўзгаришларни бошидан кечирган ҳар қандай қурилма, мажмуаларга ва уларнинг ҳудудларига нисбат қилиб "тарихий" сифатни қўллаш лозим. Қадимги қурилмаларни, мажмуаларни ва шаҳарларни алоҳида махсус ибора билан, яъни "тарихий жой" деб аташ жоиз бўлади. Шаҳарсозлик меросининг моддий ва маънавий жиҳатлари мавжуд. Моддий шаҳарсозлик мероси бизгача сақланиб келинган тарихий жойлардан ва меъморий мажмуалардан ташкил топган. Маънавий шаҳарсозлик мероси бундай жой ва мажмуада мужассам бўлган қонун-қоидалар, қўлланилган махсус услублардир.

*Тарихий қатламлар.* Ҳар бир тарихий жой, меъморий мажмуа ташкил бўлган вақтдан бери обида даражагача етган замонгача даврма-давр ўз изини-қатламини қолдириб келади. Ҳар давр қатлами хукмрон бўлган дунёқараш, маданият, санъат ҳосиласидир. Тарихий шаҳарларда қанчалик кўп қатлам йиғилган бўлса, у шунчалик қийматлидир. Шаҳарларда салбий жиҳатлари кўпайиб, уни ижобий томонга ўзгартириш жараёнини қайта қуриш деб ҳисоблаш мумкин.[5]

*Шаҳарлардаги меъморий ёдгорликлар.* Тарихий жойлардаги дастлабки замонлардан бери пайдо бўлган иморатлар меъморий ёдгорликлар деб эътироф этилади. Тарихий шаҳар ва қишлоқлардаги ёдгорликларнинг кўпчилиги бинолардан ташкил бўлади. Аксари бундай бинолар ҳалқ меъморлиги ва маҳобатли меъморлик намуналаридан иборат. Шунингдек кўприк, тўғон, қудуқ каби қадимги муҳандислик иншоотлари ҳам меъморий ёдгорликларга киради.

### 1.3. Атамалар

Ўтган даврлардан қолган меъморлик ижоди маҳсули намуналарига нисбатан маънолари бир-бирига яқин бўлган, аммо ўзига хос жиҳатларни акс этдирадиган: "ёдгорлик", "обида", "осори атиқа" каби сўзлари ишлатилади. Ёдгорлик ёдга келтирадиган ҳодиса ва воқеаларни - ўтмишни, тарихни ифода этади. Ёдгорликда тарихийлик биринчи ўринда туради. Бадиийлик сифати

---

[4] Christopher Alexander, Sara Ishikawa, Murray Silverstein. A Pattern language Towns, buildings, construction. New York, Oxford university press, 1977; page XIX – XXXIV

[5] Christopher Alexander, Sara Ishikawa, Murray Silverstein. A Pattern language Towns, buildings, construction. New York, Oxford university press, 1977; page XIX – XXXIV

паст бўлиши ҳам мумкин. Меъморий ёдгорликларнинг аксари бадиян юқори савияда бўлади. “Обида” сўзи орқали бадиийликка ишора берилади. “Осори атиқа” сўзида қадимги антиқа асар (иморат)лар маъноси мужассам бўлган.

Жаҳон меъморлик тарихида қўлланилган услублар замонавий архитектурада ҳам ишлатилиши мумкин. Мисол тариқасида, К.Александрнинг япон меъморлигидаги “Дзен манзара” ташкил этиш усулини янги архитектурада қўллашни тавсия этади. [6]

*Тарихий жойлар таърифи.* Тарихий жойлар деб ўтган даврлардан қолган ва иморатлари турли даврларга мансуб бўлган аҳоли жойларга - шаҳар, қишлоқларга, меъморий мажмуаларга айтилади. Улар сирасига бирор тарихий воқеа ёки шахс билан боғлиқ бўлган жойлар ҳам киради. Еростки тарихий жойлар аксари археологик ёдгорлик тариқасида катта қийматга эга.

*Тарихий шаҳарлар морфологияси.* Шаҳарларни қайта қуришни, уларнинг тарихини чуқур ўрганмай амалга ошириб бўлмайди. Аввало шаҳарни юзага келиш омилларини, шарт-шароитларини, уни умуман ўлка, мамлакат шаҳарлари тизимидаги ўрнини, ўзига хос функциялар комплексини аниқлаш зарурияти туғилади. Муайян тарихий-ижтимоий ва бошқа омиллар таъсирида бўлган ўзгаришларни тўла-тўкис очиб берилади, яъни ретроспективаси тикланади. Шаҳарнинг бизгача етиб келган вақтидаги барча жиҳатлари синчиклаб ўрганилади. Шаҳар унсурлари ва бу унсурларнинг боғлиқликлари, бошқача қилиб айтганда шаҳар морфологияси аниқланиши лозим бўлади.

*Тарихий шаҳар қисмларининг тизмийлиги.* Ўрта Осиёдаги, хусусан Ўзбекистондаги тарихий шаҳарлар тўрт қисм: арки, шаҳристони, рабоди ва сурдиқати мавжуд бўлиши мумкин. Қисмларнинг бундай кетма-кетлиги шаҳарлардаги зарурийлик даражасини акс эттиради. Арк (диз, қалъа, ўрда номлари билан ҳам ишлатилиши мумкин) шаҳарда зарурлиги бирламчи бўлган қисмдир. Иккинчи навбатдаги зарурий қисми - шаҳристон (ҳисор, мадина номлари ҳам қўлланилади) шаҳарнинг кўпроқ қисмини эгаллайдиган асосий қисмдир. Рабод деб шаҳристон теварагидаги қурилмалари сийракроқ бўлган қисмга айтилади. Рабод атрофидаги қурилмалари онда-сонда бўлган даласифат жойлар Термизда сурдиқат деб аталган. Адабиётда бошқа шаҳарлардаги бундай жойларга нисбатан мазкур атама қўлланилганлиги маълум эмас.

*Шаҳарлардаги “вақт масштаби”.* Шаҳарсоз А.Гутнов ўзи ижод этган даврда шаҳарларда барпо бўлаётган янги туманлар меъморлигида “инсоний масштаб ва эсда қоларлик ўзига хосликлар” етишмаётганлиги тўғрисида гапира туриб, унинг сабабини “вақт масштаби йўқолаётгани”да кўради. А.Эйнштейннинг нисбийлик назариясидан анча олдин инсон томонидан макон билан замон ўртасидаги узлуксиз боғлиқликни англаганлигини ишонарли тарзда таъкидлайди. У шундай дейди: “Ҳар бир давр маконда ўзининг изини қолдиради. Шаҳарда бундай излар жуда ғаройиб тарзда бир-бири билан ёнма-ён жойлашади. Тарихнинг бунчалик очиқ зичлашган ва кўзга

---

[5] Christopher Alexander, Sara Ishikawa, Murray Silverstein. A Pattern language Towns, buildings, construction. New York, Oxford university press, 1977.

бунчалик осонгина илғанадиган шакли маданиятнинг ноёб воқелигидир. Унда инсон вақт масштабини вужуди билан яққол хис этади, ўзини курраи замин оқимидалигини англайди”.

*Шаҳарларни қайта қуриш.* Шаҳарлар (ёки унинг қисмлари) ҳаётидаги ўзгаришлар асосан тўрт шаклдаги жараён сифатида ўтиши мумкин: биринчиси – шаҳар кенгайиши жараёни (миқдор ўзгаруви - ижобий воқелик); иккинчиси – шаҳар сифат (функционал, бадиий ва бошқа жиҳат)ларининг юксалиш жараёни (ижобий воқелик); учинчиси – шаҳарнинг бир жойдан бошқа жойга кўчиши жараёни (нейтрал воқелик); тўртинчиси – шаҳар (ёки қисми)нинг таназзули (салбий воқелик). Бу ўринда биринчи-учинчи жараёнларни қайта қуриш деб ҳисоблаш мумкин.

### Назорат саволлари:

1. Тарихий шаҳарлар морфологиясига таъриф беринг.
2. Шаҳарлардаги “вақт масштаби” дейилганда нима назарда тутилади (А.Гутнов бўйича).
3. Тарихий қатламлар нима?
4. Ретроспективани қандай тушунасиз.
5. Архитектура ва меморлик орасида қандай умумий ва фарқли жихатлар бор.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Christopher Alexander, Sara Ishikawa, Murray Silverstein. A Pattern language Towns, buildings, construction. New York, Oxford university press, 2014. – 1096 с.: ил.
2. Аскаров Ш.Д. Архитектура Темуридов. – Т.: Изд-во “San’at”, 2009.
3. Бобоёрова Ш.Р. Кармана шаҳрининг марказини тиклашда тадқиқот асослари. Магистрлик диссертацияси. ТАҚИ, 2013.
4. Нурулин Т.С. Архитектура храмов Древнего Чача. Магистрская диссертация. ТАСИ, 2013.

## 2-мавзу: Тарихий аҳоли жойларига оид тадқиқот ишлари.

### Режа:

2.1. Тарихий шаҳарларнинг таркибий тизимлари ва уларнинг комплекс тадқиқоти.
2.2. Шаҳар негизи тадқиқоти.
2.3. Марказлар тадқиқоти.
2.4. Турар жойлар тадқиқоти.

***Таянч иборалар:*** *шаҳар негизи, шаҳар тўқмаси, шаҳар марказлари, шаҳарларнинг геометрик маркази, шаҳарларнинг ижтимоий марказлари, марказлар тармоғи, умумшаҳар марказ, ихтисослашган марказлар.*

## 2.1. Тарихий шаҳарларнинг таркибий тизимлари ва уларнинг комплекс тадқиқоти.

Тарихий жой (шаҳар ёки қишлоқ бўлишидан қатъий назар) меъморий-шаҳарсозлик нуқтаи назаридан мураккаб тизимга эга. Мазкур тизимнинг таркибий қисмларининг шаклланиши, ўзгариши ҳар хил маромда (шиддат билан ёки сусткашлик билан) ўтган. Буларга турли омиллар таъсир этган. Аҳоли жойларининг тийнат(характер)ини аввало биноларни бирлаштириб турувчи кўчаларнинг ва йўлларнинг йўналиши белгилаб беради. Ҳажмий компонентлар: турар-уйлар ва бошқа иншоотлар тарихий жойларнинг меъморий қиёфасини шакллантиради. Бунга салмоқли ҳиссани турар-уйлар қўшади. Аҳолининг ижтимоий гуруҳлар сифатида шаклланиши оқибатида турли мавқега эга бўлган марказлар шаклланади.

Кристофер Александер турли тизимларнинг хаётчанлиги замирида ўн беш жихат ётади деб ҳисоблайди: 1. Ўлчов даражалари, 2. Кучли марказлар, 3. Ихота (чегара), 4. Ўзгарувчан такрорланиш (мураккаб ритм), 5. Ижобий муҳит, 6. Хушбичим шакл, 7. Жузъий симметрия, 8. Мустахкам бирлик (умумийлик ва ўзига хослик), 9. Контраст (қарама-қаршилик), 10. Тасниф (даражавийлик), 11. Дағаллик (йириклаштириш), 12. Акс садо, 13. Бўшлиқ (ваакум, фон), 14. Сиполик ва ички осойишталик, 15. Ажралмаслик. Мазкур жиҳатлар К.Александерга кўра ўзаро боғликликда бўлиб бир-бирининг таъсирчанлигини таъминлайди. [7]

Шаҳарларни ўрганишда уларнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши катта аҳамиятга моликдир. Йирик шаҳарсозлик бўлинма – “даҳа”лар сони аксари тўртта бўлган (Қўқон, Марғилон, Тошкент каби шаҳарларда). Йирик бўлинмаларнинг сони ва номлари бошқача бўлиши ҳам мумкин. Ўрта Осиёдаги энг баланд мавқега эга бўлган Бухорода йирик бўлинмалар сони 12 та бўлиб, улар “жариб” ёки “маҳалла” номлари билан аталган. Самарқандда йирик бўлинмалар сони бошқа кўпчилик шаҳарлардаги каби 4 та бўлиб, уларга нисбатан “қитъа” ибораси қўлланилиб келган. Умумлашма ибора сифатида йирик бўлинмаларга “даҳа” иборасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Майда шаҳарсозлик бўлинмалар аксари “маҳалла” номлари билан юритилади. Самарқандда ва Бухорода майда бўлинмалар “гузар” номи билан аталган. Хоразмда майда бўлинмалар “масжид қавм” деган ном билан аталиб келинган. Баъзи тадқиқотларда “элот” иборасидан фойдаланилади. Бу ўринда шуни ҳам айтиш жоизки, “масжид қавм” билан “элот” иборалари ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатлари ҳали етарли даражада ўрганилмаган [Рейимбаев Ш. ...].

Маҳаллаларнинг аҳамияти шаҳарликларнинг ҳаётида анча юқори бўлганлигини тарихда баъзи уста, шоир каби ижод аҳлининг намоёндалари ўзларига нисба сифатида маҳалла номларини олганлар. Масалан, “Тошкент

---

[7] Alexander C. The natur of order; book one: The phenomenon of life.Californiya, 2002; page 144-145

масжидлари тарихи” китобида Муҳаммад Солиҳ Тошкандий маълумотларига асосланган ҳолда Лабзакий, Сақичмоний, Тинчбофий каби нисбали шахслар тўғрисида гап юритилади [Султонов Ў. ...].

Маҳаллар тузилиши жиҳатидан бир хил бўлган эмас. Аҳолининг касб-кори, қурилмалар, бино ва иншоотларнинг таркиблари, қурилмаларнинг зичлиги каби жиҳатлар бўйича шаҳарларда 3 турдаги маҳаллаларни фарқлаш лозим. Уларни шартли равишда маҳалла-бозор, маҳалла (оддий маҳалла) ва маҳалла-мавзе деб аташ мумкин. Йирик ва майда бўлинмалардан ташқари, Марғилонда мустасно тариқасида, уларнинг оралиғида ўртанча бўлинма – “ўрам” мавжудлиги қайд этилган. Даҳа ва маҳаллаларнинг чегаралари шаҳарларнинг релъефи, кўчалари ёки хонадонларнинг орқа деворлари бўйича ўтган.

Биноларни уларнинг ҳаёти давомида ҳамиша тузатиб, қайта қуриб келингани каби шаҳар қиёфаси ҳам турли сабаблар билан йиллар давомида ўзгариб келган, гоҳида кенгайган, гоҳида торайган. Қайта қуриш тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қадимги Олд Осиёдаги Ур, Самал ҳаётидаги ўзгартиришларни шаҳарсозлик тарихида амалга оширилган энг қадимги қайта қуриш ишлари қаторига қўшса бўлади. Рим, Париж, Лондон, Вена, Москва каби шаҳарларда кўп маротабалаб қайта қуриш ишлари амалга оширилган.

Истамбул, Искандария, Балх, Деҳли, Исфахон, Боку, Сараево каби шаҳарларда ҳам мураккаб тарихий қайта қуришлар юзага келган. Қадимда Византий, илк ўрта асрларда Константинопол, кейин Истамбул номи билан аталган шаҳар икки қитъа (Европа ва Осиё)да ривож топди. Мисрда Искандар Мақдуний томонидан барпо этилган Искандария шаҳарининг тарихий қатламлари ҳам ерустида, ҳамеростида ўз аксини топган. Турли даврларда Бақтра, Балх, Вазиробод номларини олган шаҳарлар ҳам Ўрта Шарқ шаҳарларини қайта қуриш тарихида муҳим ўринни эгаллайди.

Зикр этилган Ғарб ва Шарқ тарихий шаҳарларини ўзаро қиёсласак, уларнинг фарқлари кескин бўлишига қарамасдан ўхшашлиги ҳам анчагина. Чунончи, Рим, Москва, Тошкент шаҳарлари еттита тепаликларда жойлашилганлиги ривоятларда қайд этилган. Бундай тепаликлар мазкур шаҳарларнинг топографиясида ҳам кузатилади. Шаҳарларнинг асосий кўчалари марказий композицияли бино билан қайд этилиши ҳам бундай умумийликдан далолат беради.

Ўрта Шарқда, хусусан Ўрта Осиёда шаҳарсозлик қадимдан ривож топган. Олтинтепа (Туркманистон) энеолит даври (мил.ав. тўртинчи-учинчи минг йилликлар)га мансуб бўлган дастлабки шаҳарлардан бири деб ҳисобланади. Парф подшолари аршоқийларнинг шимолий қароргоҳи бўлмиш Ниса шаҳри Кўҳна Ниса ва Янги Ниса қолдиқларидан иборат. Ҳозирда нисбатан ихчам Мари – аввалги Марв (Мурғаб воҳаси) қадимги ва айниқса ўрта асрларда Ўрта Осиёда энг катта шаҳарлардан ҳисобланган. Марв кетма-кет пайдо бўлган беш: Эрк қалъа, Габр қалъа, Султон қалъа, Абдуллахон қалъа, Байрамалихон қалъа ўринларида ривож топди. Урганч шаҳарининг ўтмишдоши илк ўрта асрларда қудратли хоразмшоҳлар пойтахти - Кўҳна Урганч Амударёнинг қуйи

оқимида барпо бўлиб, асосан Оқ қалъа ва Тош қалъалардан иборат бўлган. Қадимги шаҳарлардан Тожикистондаги Хўжанд, Ўра тепа кабиларни алоҳида таъкидлаш зарурдир. Оқ масжид (Қозоғистон), Пишпак (Қирғизистон) кабилар Қўқон хонлиги даврига мансуб шаҳарлар қаторига киради.

Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг ҳам юзага келиши, тузилиши, ҳаётининг давомийлиги ҳар хилдир. Сополли тепа, Жарқўтон (иккиси ҳам Сурхондарё туманида) бронза даври (мил.ав. иккинчи мингйиллик)га тегишли дастлабки шаҳарлардан ҳисобланади. Илк темир даври (мил.ав. IX-VI асрлар)да Фарғона водийси Чуст маданиятига тегишли Далварзин каби протошаҳарлар пайдо бўлган.

Ҳозирги замонда ҳам ҳаёти жўш уриб давом этаётган баъзи шаҳарларимизнинг қадимги ва ўрта асрларга мансуб бўлган қисмлари ер қаридан қимматли археологик қатлам сифатида жой олган. Самарқанддаги Афросиёб тепалиги бунга ёрқин мисолдир. Афросиёб – Самарқанд, Тармита – Термиз, Канка – Қанғха кабиларнинг қалъалари сув бўйида жойлашгани сабабли уларнинг  кенгайишлари натижасида бир неча қатор қўрғон деворлар қурилишига сабаб бўлган. Баъзи қадимги шаҳарларнинг ёнларида XIX асрнинг 2-ярмида чор хокимияти томонидан янги қисмлар қурилади: Тошкент, Самарқанд, Андижон ва бошқалар. Умумлаштириб айтиш мумкинки, тақдирлари турлича бўлган шаҳарларда қайта қуриш жараёнлари бир-бириникига ўхшамаган, ўзига хос тарзда ўтган. Булар лойиҳалаш ишларига бевосита таъсир этган.

Шаҳарсозлик тарихида қайта қуришга оид лойиҳаларни тузиш мисоллари кўплаб учрайди. Лойиҳаларни амалга ошириш ҳам турфа кўринишда бўлган. Баъзи ҳолларда лойиҳалар амалга ошмаган, баъзиларида эса ҳаётга тўла ёки қисман ва ўзгартирилган ҳолда тадбиқ этилган. Ўтган асрларда Европа шаҳарларидан Флоренция, Рим, Лондон, Париж ва Москва каби шаҳарларга оид қатор қайта қуриш лойиҳалари бажарилган. Леонардо да Винчи Флоренция шаҳарини қайта қуриш мусаввада лойиҳасида Арно дарёсининг йўналишини тўғирлашни назарда тутган эди. Шаҳар транспортининг бир неча баландликларда - ярусларда ташкил этиш ғояси ҳам олимнинг чизмаларида акс эттирилган. Римнинг борокко давридаги қайта тикланиши шимолий дарвоза олдидаги Пополо майдонидан уч нур - кўча қурилиши билан характерланади. Римдаги яна бир ажойиб шаҳарсозлик ечими - Испания пиллапояси икки сатҳда ўтган кўчаларни бирлаштирди. XVIII аср охири - XIX аср бошида Мичилетти раҳбарлигидаги комиссия томонидан Рим шаҳари чеккаларида янги турар жой туманлари режаланган. Лондон шаҳарининг маркази бўлмиш Ситида 1666 йилдаги ёнғин оқибатини бартараф этиш учун Кристафор Рен томонидан қайта қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳада икки нур каби ўтказилган кўча ажралади. Австрия пойтахти Венада қадимги Рим даврида вужудга келган марказий қисми атрофида турли стиллар бўйича ташкил этилган мажмуалар халқаси - Рингштрассе вужудга келади. Ҳалқа

автоуловлар аҳамиятига К.Александр ҳам ўз китобида урғу беради (“A pattern language”, 96-98 pages, 17 – pattern-улги: ҳалқа автоуловлар). [8]

Ўрта Шарқ, жумладан Ўрта Осиё шаҳарларининг кўпларида қайта қуриш ишлари олиб борилганлиги тўғрисида тарихий маълумотлар мавжуд. Бу маълумотлар қадимги даврдан то XIX аср охири – XX аср бошигача бўлган замонларни ўз ичига олади. Бу ўринда йирик қайта қуриш ишлари илк ўрта асрлар (XI-XIII а. боши) ҳамда темурийлар (XIV а. ўртаси-XV а.) даврларига тўғри келишини алоҳида таъкидлаш лозим. Муҳим қайта қуриш ишлари Самарқандда Амир Темур, Улуғбек бошқа темурийлар, Шохмурод хокимлиги даврларида, Хивада Оллоқулихон хокимлиги, Тошкентда Юнусхўжа хокимлиги, Қўқонда Норбўтабий хокимликлари даврларида амалга оширилган.




Расм 1.2-1. Тарихий жой мисоли: Уэйденхоу қишлоғи, Англия. 1-4. Қишлоқнинг йирик бинолари. Қора ранг билан тошдан қурилган омбор, отхона каби иншоотлар ажратиб кўрсатилган. Қайта қуриш ишлари жараёнида улардан сайёҳлар учун турар жой сифатида фойдаланиш тавсия этилган

[8] Christopher Alexander, Sara Ishikawa, Murray Silverstein. A Pattern language Towns, buildings, construction. New York, Oxford university press, 1977. page 96 – 98




Расм 1.2-2. Болонья ш. (Италия) тарихий марказ тадқиқоти. А(1)-А(4) - диний ва дунёвий монументлар бино ва мажмуалари; Б1, Б2 – саройлар; В, Г – кичик хусусий уйлар









*Пример консервирующей реставрации в районе Св. Леонардо (участок № 9). Ряд новых зданий построен по старой красной линии и заполняет разрыв по виа Св. Леонардо*

Расм 1.2-3. Болонья ш. Тепада чапда – шаҳар дарвозаси; тепада ўнгда – Сольферино мавзеси; пастда – Ав. Леонардо кўчаси бўйлаб бўш бўлиб қолган жойлар янги бинолар билан тўлдирилган.










*Развитие Болоньи за период с 1889 по 1972 г.*
*Канал ди Рено с церковью Св. Бартоломео в перспективе. Канал засыпан, церковь сохранилась*
*Три башни на переднем плане снимка и дома между виа Орефичи и виа Риццоли после осуществления генерального плана 1889 г. были снесены. Башни Гарисенда и Азинелли показаны на заднем плане*
*План с 13 участками для проведения реставрационных и реконструктивных работ. Пять из них стали проектами (2, 5, 7, 9 и 12)*

Расм 1.2-4. Болонья ш. Тепада – шаҳарнинг 1889 йилдан 1972 йилгача ҳудудий ўсиши; ўртада – шаҳар кўринишлари; пастда – шаҳарнинг тарихий маркази тарҳи




Расм 1.2-5. Қайта қуришга мўлжалланган Бухоронинг эски қисмидан лавҳалар




Расм 1.2-6. Бухоро ш. тарихий қисмининг таҳлили




Расм 1.2-7. Хива шаҳри марказлари




Расм 1.2-8. Кармана ш. меъморий ёдгорликлари




Расм 1.2-9. Хива ш. Мавзе – элотлар




Расм 1.2-10. Хива ш. Маҳаллалар




Расм 1.2-11. Кармана шаҳри маркази. Ҳозирги холат



Расм 1.2-12. Тарихий Кармана ш. ва унинг ўрта асрлар арки




Расм 1.2-13. Чирчиқ бўйидаги манзилгоҳлар




Расм 1.2-14. Тошкентдаги археологик ёдгорликлар




Расм 1.2-15. Қўқон ш. меъморий ёдгорликлари




Расм 1.2-16. Шаҳар муҳити холатини комплекс баҳолаш: а – атмосфера ҳавосининг ифлосланиши; б – тупроқ-ўсимлик қатламининг ифлосланиши; в – микроиқлими дискомфорт бўлган жойлар; г – сув ҳавзаларининг ифлосланиши; д – ботқоқли ҳудудлар; е – шовқинли жойлар; ж – шаҳар муҳити холатини ифодаловчи жамлама (комплекс) схема.




Расм 1.2-17. Шаҳарсозлик тизимларни структуравий-функционал ташкиллаштириш схемлари




Расм 1.2-18. Париж ш. қўрғонлари, XII-XIX а. ўртаси




Расм 1.2-19. Самарқанд ш., XIX а.




Расм 1.2-20. Шаҳар марказидан улов (транспорт) турларида ўртача бир хил вақт сарфлаб етиш мумкин бўлган манзиллар радиусининг кенгайиб бориши.




Расм 1.2-21. Шаҳарлар ривожланиш жараёнида ҳудудларни ўзлаштириш рельефини ўзгариш жараёни; А – концентрик холат, Б – секторли холат, В – кўп ядроли холат.




Расм 1.2-22. Антик даврдаги Римнинг схематик чизмаси; етти тепалик ҳам қайд этилган; чизма Уйғониш даврида яратилган.




Расм 1.2-23. Псков ш., XV а.



Расм 1.2-24. Париж ш., XIV а.; қўрғон девор, Филипп – Август даврида қурилган; 5-5 – Сен-Жак кўчаси; 6-6 – Сен-Мартин кўчаси



Расм 1.2-25. Тепада – Ур ш., Ироқ; мил.ав. XXI-XX а.; пастда – Самал ш., Сурия; мил.ав. XII-VIII а.




Расм 1.2-26. Композицион тугунлар ва ўқларнинг шаҳар композицияси негизини ташкил этишдаги аҳамияти: а – Москва, б – Санкт-Петербург; А – композиция негизи схемалари.

## 2.2.Шаҳар негизи тадқиқоти.

Тарихий жойларнинг ҳар хил ўлчовга эга бўлган турли ҳажмий унсурларни бирлаштирувчи кўчалар тармоғи унинг негизини ташкил этади. Тармоқ – негиз композицион жиҳатдан яхлитликни ташкил этади. Зеро “композиция” сўзида “яхлитлик” маъноси мужассам бўлган. Одатда тарихий жой қанчалик катта бўлса, унинг негизи ҳам шунчалик сертармоқлидир. Негизни мураккаблаштириб турувчи ва айни вақтда уни тўлдирувчи унсур сифатида ҳар хил конфигурацияга эга бўлган кенгликлар, муҳитлар, майдонлар қўшилади. Шаҳар негизини нафақат кўча ва майдонлар ташкил этади, балки унга функционал жиҳатидан аҳоли кўп фойдаланадиган бино ва бошқа қурилмалар ҳам киради. Демак, шаҳар негизини нафақат фазовий унсурлар (кўча ва майдонлар), балки ҳажмий унсурлар (бино ва бошқа қурилмалар)ташкил этади.

Лойиҳалаш ишларида унинг негизига алоҳида эътибор берилади. Бунда тадқиқотнинг графоаналитик услуби кенг қўлланилади. Негизининг энг кўп фойдаланиладиган қисмлари лойиҳа ишларида биринчи навбатда инобатга олиш учун алоҳида ажратилиб қўйилади. Негизининг камроқ фойдаланиладиган қисмлари лойиҳа ишларида кейинги, иккинчи навбатда инобатга олинади.

Шаҳар кўчалари ичида шаҳарларни вужудга келишига туртки бўлган карвон йўллари ва шаҳарнинг бош кўчалари бошқа турдаги кўчаларга қараганда шаҳар ривожланишида етакчилик қилган бўлади. Аксари шаҳар кўчалари ичидан диаметр тариқасида ўтган кўча энг асосийси бўлган. Бундай диаметр кўп холларда қарама-қарши шаҳар дарвозаларни бирлаштирган ва шаҳарнинг геометрик (кўр холларда функционал ҳам) марказдан ўтган. Қадимда Тошкентда Ўрдани Чорсу билан бирлаштирувчи йўл Катта кўча деб номланган (Муҳаммад Солиҳ Тошкандий бўйича). Аҳамияти жиҳатидан энг пастда турувчи кўча (йўл)лар бир неча турар жой ҳовлиларини, хатто биргина хонадон учун хизмат қилган. Баъзида бундай кўчалар “хос” йўл ёки хақраха номи билан аталади.

Шаҳарда халқа шаклидаги кўчаларни пайдо бўлишида шаҳарнинг қўрғон деворлари туртки бўлган. Шаҳар деворлари бўйлаб асрлар давомида пайдо бўлган йўллар кейинчалик деворлар йўқ бўлиб кетган даврларда ўз аҳамиятини йўқотмаган ва кўча сифатида шаклланган. Шаҳар деворидан ташқаридаги бошқа шаҳар ва қишлоқлар туркумини ҳимоя этган “узун деворлар” ҳам ҳозирги пайтдаги шаҳар теварагидаги йўлларнинг йўналишларига ҳам таъсир этган. Мисол тариқасида Тошкент, Бухоро воҳаларини ҳимояланган “Кампирак девор”ларини, Самарқанд воҳасини ҳимоя этган “Девори қиёмат”ни келтириш мумкин.

Шаҳарларнинг тарихий топографиясида катта-кичик йўлларнинг йўналишлари билан шаҳар дарвоза ва қопқаларнинг ўзаро боғлиқ бўлиб келган. Шаҳар маркази (Чорсу) ва дарвозалардан ўтиб шаҳар ташқаридаги мухим йўналишлардаги йўлларга айланадиган кўчалар асосий кўчалар қаторига кирган. Дарвозалар ўрнида одатда нурсимон 2-3 йўллар таралган. Қўрғон девордаги кичик дарвоза - қопқаларга олиб борган йўллар маҳаллий аҳамиятдаги кўчаларга айланган.

Тарихий шаҳарларнинг сув таъминоти ирригация иншоотлари воситаларида амалга оширилган. Ирригация иншоотлари қаторига тўғон (банд), кўприк, сардоба, ариқ, ҳовуз, қудуқ кабилар киради. Тўғон аксари шаҳардан ташқарида дарё барпо етилган. Сув ҳавзалари - ҳовузлар квадрат, саккизёнлик ва доира шаклларида бўлган.

Шаҳардаги сув таъминоти мураккаб ирригация тизими орқали амалга оширилган. Дарёдан йирик ариқ-сой чиқарилган ва ундан асосан бир ёки бир неча бош ариқ чиқарилган; масалан Бухорода – Шоҳруд, Тошкентда – Кайковуз ва Анҳор бош ариқлари. Бош ариқлардан ён ариқлар чиқарилган, улардан майда ариқлар маҳаллаларни, хонадонларни сув билан таъминлаган. Шаҳарга кирган йирик ариқ, шаҳардан чиқиб яна йириклашиши ҳам мумкин. Тошкентга кирган Бўзсув шаҳардан чиққандан кейин Қуйи Бўзсув деб аталган.

Сув билан боғлиқ турли иншоотлар ҳам вужудга келган. Дарё, сой, ариқларда турли мосламалар барпо этилган. Узоқдан қувурчалар ёрдамида сув келтириш кориз тизими орқали амалга оширилган. Пастроқда жойлашган кўчадан сув ўтказиш учун қайнамалардан фойдаланилган. Чиғир ёрдамида пастдаги сув юқорига чиқарилган.

Булоқ кўприклар ноёб ёдгорликлар қаторига киради: Искандар кўприги, Қарши кўприги, Тошкентдаги Чуқур кўприк.

Кўп булоқлар зиёратгоҳлар тариқасида эъзозланган. Нуротадаги булоқ йирик зиёратгоҳ тариқасида машҳурдир.



Расм 1.3-1. Кармана ш. Қарши дарвозаси ўрни.




Расм 1.3-3. Чоштепа, Тошкент ш.




Расм 1.3-4. Мингўрик, Тошкент ш.; ҳандасавий таҳлил.



Расм 1.3-5. Чоштепа, Тошкент ш. Чапда – Google харитаси, ўнгда – харитага туширилган Чоштепа тарҳи.



Расм 1.3-6. Чоштепа қолдиқлари.




Расм 1.3-7. Ўрта Осиё шаҳарларининг ривожланиш жараёни. А – Хива, Бухоро, Тошкент; Б – Марв; В – Самарқанд; Г – Хива; Д – Бухоро. Ардалан Н. ва Бахтиёр Л. бўйича фазовий муҳитдаги марказ – ягона нуқта харакатда бўлиб (“а”) чизиқни ёки чизиқ тариқасидаги бозорни ташкил этади




Расм 1.3-8. Ўзбекистон шаҳарларининг ривожланиши




Расм 1.3-9. Тарихий шаҳардаги улов (транспорт) инфраструктураси ва харакат интенсивлиги орасидаги номувофиқлик; а – кўчалар шаҳар чеккасига қараб кенгаяди; б – харакат шаҳар маркази томон интенсивлашади




Расм 1.3-10. Шаҳар композициясининг комплекс таҳлили: а – композицияни белгиловчи унсурлар, б – кўринишлардаги боғлиқликлар, в – бирламчи (доминанта) ва иккиламчи (бўйсинган) унсурларнинг фазовий яхлитликлари, г – шаҳарнинг умумлашма фазовий тизими; 1 – композицион ўқ ва боғлиқликлар, 2 – панорама-фазовий мажмуалар чегаралари, 3 – панорамавий кўриниш зоналар, 4 – доминанта иморатлар




Расм 1.3-11. Негиз (каркас) кўчалар типологияси: 1 – марказий (ядровий); 2 – чизиқли; 3 – юлдузсимон; 4 – чизиқли бир томонлама; 5 – қисқа нурли юлдузсимон; 6 – чизиқли-тармоқли; 7 – тармоқли-ҳалқали; 8 – юлдузсимон-чизиқли; 9 – елпиғичсимон; 10 – бош нури ажралган юлдузсимон; 11 – шоҳли-йўналтирилган; 12 – юлдузсимон-шоҳли; 13 – икки марказли (икки ядроли); 14 – кўпмарказли; 15 – ҳалқасимон; 16 – тугунсимон; 17 – кесишган; 18 – тўғри тўртбурчак шаклл




Расм 1.3-12. Шаҳар марказининг ҳудудий ривожланиши



Расм 1.3-13. Петербург ш., Каменоостровной проспектидаги модерн услубида қурилган ижара уйлар



Расм 1.3-14. Москва ш. марказининг ҳудудий ривожланиши; 1971 йилги бош тарҳ бўйича




Расм 1.3-15. Бухоро ш. Маркази

## 2.3.Марказлар тадқиқоти.

Тарихий шаҳар ва умуман тарихий аҳоли жойларнинг марказлари жойлашуви геометрик ҳамда функционал нуқтаи назардан кўриб чиқилиши лозим. Одатда шаҳарларнинг ёки бошқа аҳоли жойларнинг умумий

(умумшаҳар ёки умумқишлоқ) маркази унинг геометрик марказини эгаллайди. Йирик аҳоли жойларда умумий марказдан ташқари шаҳарнинг қисмларига тегишли махсус марказлар мавжуд.

Шаҳар умумий ва махсус функционал жиҳатидан савдо, ғоявий, зиёрат, маърифат ва ўзга турларига ажралади. Марказларнинг сатҳи, баъзан бутун шаҳарга нисбатан олинганда катта ҳудудни эгаллайди. Масалан, Хиванинг Ичан қалъасидаги марказ (турар уйлардан бўлак ҳудуд) анчагина жойни ишғол этган.

Тарихий шаҳарларнинг таркибида турли даражага эга бўлган марказлар мавжуд. Функционал жиҳат бўйича умумшаҳар марказини, даха марказларини ҳамда маҳалла марказлари ажратилса ўринли бўлади. Меъморий-бадиий жиҳатидан марказлар турли, катта-кичик мажмуалар шаклида бўлиши мумкин.

Умумшаҳар марказ аксари шаҳарнинг ўртасида, геометрик марказида жойлашади. Функционал жиҳатидан у кенг қамровли бўлади. Ўзида ижтимоий, савдо-сотиқ ҳамда ғоявий-мафкуравий жараёнларни мужассам этади. Умумшаҳар марказида савдо-сотиқ муҳити - бозор салмоқли ўринни эгаллайди. Бош бозор аксари Чорсу номи билан аталиб унда нафақат савдо балки ҳунармандлик-ишлаб чиқариш ҳам мавжуд бўлади. Бош бозордан ташқари, улардан четроқда махсус моллар билан савдо қилинадиган иҳтисослашган бозорлар ҳам бўлган. Масалан: Тошкентда Самарқанд дарвозаси олдида Қовун бозор, Ўрда яқинида Қаймоқ бозор жойлашган эди.

Даҳа марказлари аксари йирик меъморий мажмуа сифатида шаклланган. Улар ғоявий-мафкуравий функцияга эга бўлган. Тошкентдаги Чорсу меъморий мажмуаси умумшаҳар ғоявий-мафкуравий функциясини бажарган бўлса, Ҳазрати Имом, Шайҳ Ҳованди Таҳур, Занги ота, Зайнуддин бува мажмуалари мос равишда Себзор, Шайҳонтаҳур, Бешёғоч, Кўкча даҳаларининг ғоявий-мафкуравий функцияларини амалга оширган. Булар ичида Шайҳонтаҳур маркази алоҳида ўринни эгалаган. Умумий эътибори жиҳатидан Тошкентдаги Чорсудан кейинги, иккинчи марказ эди.

Маҳалла марказларини “гузар” номи билан аташ мақсадга мувофиқдир. Гузар сўзи луғавий жиҳатдан ўтиш жойи маъносини беради. Айрим китобларда гузар сўзи бир неча маҳалланинг (фазовий жиҳатидан узлуксиз бўлган) маркази маъносини беради.

Маҳалла марказлари - гузарлари аксари маҳалла масжиди ҳовуз, чойхона, бир неча дўкон каби иншоотлардан таркиб топар эди. Кейинги давр тадқиқотларида маҳалла масжидини ичида ҳам дўкон каби қурилмалар бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Баъзи маҳаллалар марказида мўъжаз мадраса мақбара каби бинолар ҳам бўлган. Маҳалла марказларидаги масжид, мадраса, мақбара, дўкон каби иншоотлар турли комбинацияларда ўзаро бирикиб, ўзига хос ҳажмий-фазовий бирикмалар ҳосил этишган. Тадқиқотчи К.Александер ижтимоий марказлар (generic centers) ташкил қилишда инсон қалбига қандай йўл топиш мумкин деган саволга: тарихан чуқур илдиз отган, айни вақтда янги замоннинг юқори даражали талабларига мос улги (pattern)

орқали деб жавоб беради. Унинг хулосасига кўра, фақат чуқур тарихийликка асосланган ҳамда порлоқ келажакка йўналтирилган улги (ташқи) яхлитликни таъминлай олади. [9] Бу улги бизнинг маҳаллаларимиз моҳиятига мос келади.



[9] Alexander C. The natur of order; book two: The process of creating life. Californiya, 2001; page 353-354

Расм 1.4-2. Таллиндаги Ратуша майдони; майдон ва унинг атрофидаги тарихий бинолар шаҳарнинг ўзига хос қиёфасини белгилайди




Расм 1.4-3. Кармана ш., Чармгар боғ




Мажмуа тархи

Расм 1.4-4. Кармана ш., Қосим Шайх мажмуаси, тарҳ: 1 – Қосим Шайх хонақоҳи; 2 – Қосим Шайх даҳмаси; 3 – Абдулаҳадхон даҳмаси



Расм 1.4-5. Қосим Шайҳ мажмуаси, аксонометрия



Бухоро арки IX-XX асрлар



Расм 1.4-6. Арклар; тепада – Бухоро арки, пастда: чапда – Кармана арки, ўрта асрлардан кейин, ўнгда – Кармана шаҳар марказининг ҳозирги ҳолати




Расм 1.4-8. Маҳалла марказларининг визуал идрок этилишлари.




Расм 1.4-9. Гераса ш. Тарҳ, асосий кўча икки тетрапилдан ўтади; фотода – Овал форумининг устунлари



Расм 1.4-10. Гераса ш., Жанубий тетрапил



Расм 1.4-11. Тошкентдаги Хотин масжиди макети [Талабанинг курс иши]



Расм 1.4-12. Хоразм вилоятидаги Улли ҳовли таҳлили



Расм 1.4-13. Тошкент Ўрдаси тарҳи



Расм 1.4-14. Тошкент Ўрдаси саройининг график реконструкцияси



Расм 1.4-15. Тошкент Ўрдасининг график реконструкцияси

## 2.4.Турар жойлар тадқиқоти.

Тарихий шаҳар-қишлоқларда салмоқли ҳудудни аҳоли жойлари – маҳаллалар эгаллайди. Маҳалла дейилганда шаҳарлардаги майда бўлинмалардан иборат бўлган қисмлари тушунилади. У нафақат турар уйлардан, балки маҳалла аҳлига хизмат қилувчи марказидан ҳам иборатдир. Архитектуравий нуқтаи назар бўйича айтиш мумкинки, маҳалла турар уйлардан ва уларга, яъни маҳалла аҳлига хизмат қилувчи маҳалла марказидан ҳамда бошқа маҳаллалар ва шаҳарнинг бошқа қисмлари билан бирлаштирувчи катта-кичик кўчалардан иборат. Бу аснода маҳаллаларнинг шаҳар қўрғон деворидан ташқарида дала жойлари – мавзелари бўлганликларини эсда тутиш зарур.

Маҳаллалар меъморлиги кўча ёки унинг қисмлари, ариқлар, хонадонлар ҳамда маҳалла маркази - гузар иншоотларидан ташкил топган. Жойлашувига қараб маҳаллаларнинг меъморлиги ҳам турлича бўлган.

Маҳаллалар массивига туташ бўлган марказ - бозор ва шаҳар теварагидаги мавзе ва қишлоқларга, зичлиги маҳалла таркибига кирган жамоат биноларининг сонига ва боғ, полиз каби сатҳларнинг катта-кичиклигига қараб маҳаллалар меъморлиги турлича бўлган.

Бу жиҳатдан шаҳарлардаги майда бўлинмаларни шаҳар марказидан периферия йўналиши бўйича маҳалла-бозор, маҳалла (оддий маҳалла), маҳалла-мавзе, мавзе (оддий мавзе) ва қишлоқларни ажратиш мумкин. Маҳалла турларига қараб уларнинг эгаллаган майдонлари ва бу маҳаллаларда хонадонларнинг миқдорий кўрсатгичлари ҳам турлича бўлган. Шунга мувофиқ равишда хонадонларнинг хажмий фазовий тизими ҳам турлича бўлган. Маҳалла-бозор меъморлигида хонадонлар кичик бўлган. Уларга дўкон, карвонсарой каби иншоотлар бирикар эди. Хонадон ҳовлиси ҳам жуда кичик эди. Ҳовлиларда дов-дарахт жуда кам бўлган. Хонадонлар нафақат яшаш, балки бозор эҳтиёжларига кўра шаклланган бўлган.

Маҳалла-мавзеларда маҳалла-бозорга қараганда акс тенденциялар кузатилади: хонадонлар каттароқ, ҳовлилари кенг боғларга туташиб кетган. Хонадонлар дала ва боғлар кенглигида ажралиб турган.

Мавзеларда кўкаламзорлаштириш алоҳида мавқега эга эди. Уларнинг таркибида хиёбон, қўриқхона каби боғчилик санъати асарлари ҳам бўлган. Қишлоқлар ўзига хос мустақил тузилмаларни ҳосил этган. Улар бир-бирларидан узун-қисқа масофаларда жойлашган.

Тарихий шаҳарлардаги хонадонларни асосан икки турга ажратиш мумкин.

Биринчи турига қадимги хонадонлар киради. Улар асосан XIX - XX асрнинг биринчи ярмида бунёд бўлган хонадонлардан иборат. Иккинчи турига XX асрнинг иккинчи ярмида индивидуал тартибда қурилган уйлар киради. Биринчи турдаги қадимги хонадонлар алоҳида ёдгорлик сифатида қийматга эга.

Қадимги хонадонларни ўз навбатида икки хилга ажратиш мумкин. Биринчи хилдаги уйлар XIX асрнинг боши ва ўрталарида қурилган бўлиб, ўзининг умумий тарҳи, ҳажми, қўлланилган анъанавий қурилиш ашёлари билан характерланади. Иккинчи хилдаги хонадонлар XIX аср охири - XX аср

бошларида бунёд бўлган. Уларда Европа таъсири сезилади - соллоти (янги форматдаги) ғиштлар, тунука, ойна кабилар ишлатилган.

Қадимги маҳаллаларни қайта қуриш мақсадида ўтказиладиган тадқиқотларда аҳолини янги замонавий талабларига жавоб берадиган хонадонлар билан таъминлаш эҳтиёжини аниқлаш зарур бўлади. Шу мақсадда аҳоли орасида анкеталаш ўтказилади.




Расм 1.5-1. Болонья ш. турар жойларни қайта қуриш. Тепада – Солферино квартали, ўртадаги ҳовлилар ортиқча қурилмалардан бўшатилган; пастда – Ав. Леонардо квартали, мўжаз боғчалар ўрталаридаги деворлар тикланган



Расм 1.5-2. Бухоро ш., турар уй



Расм 1.5-3. Бухоро турар уйлари мажмуаси лойиҳаси (менежмент плани); чапда – 2-уй ҳовлиси, ўнгда – 3-уй ҳовлиси



Расм 1.5-4. Бухоро турар уйи, меҳмонхона, косамон




Расм 1.5-5. Бухоронинг тарихий қисми



Расм 1.5-6. Бухоро эски шаҳар қисми кўчалари



Расм 1.5-7. Кармана ш., Чармгар боғ ёдгорлиги, тарихий сурат




Расм 1.5-8. Кармана ш., Чармгар боғ ёдгорлиги, 1954 й. фотосуратлари. Тепада, чапда – интерьер, шоҳнишин; тепада, ўнгда – кайвон; пастда – айвон токчаси



Расм 1.5-9. Кармана ш., Чармгар боғ ёдгорлиги, калла муқарнас, 1954 й. фотосурати



Расм 1.5-10. Тошкент ш., Эски шаҳарнинг марказий қисми – Гулбозор [Штабовенко В. битирув ишидан]



Расм 1.5-11. Тошкент ш., Эски шаҳар марказий қисми, қадимги маҳалла ҳудудини муҳандислик тармоқлари билан таъминлаш лойиҳавий таклифи [Штабовенко В. битирув ишидан]




Расм 1.5-12. Шаҳар ҳудудини функционал таҳлили: а – функционал зоналаштириш схемаси, б – жамоат (1) ва турар жой (2) ларга ажратилган қисмлар, в – жамоат ва турар жой функцияларини ҳудудий тақсимланиши (жамоат функциялари учун: 1=25% ва ундан кам; 2=26-50%; 3=51-75%; 4=76% ва ундан кўп)



Расм 1.5-13. Тошкент турар уйи ҳовлиси, лойиҳа, перспектив кўриниш [Клименко А. битирув ишидан]

### Назорат саволлари:

1. Тарихий шаҳар негизи нималардан ташкил топади?
2. Тарихий шаҳар тўқмаси қандай бинолардан иборат?
3. Шаҳарларнинг геометрик ва ижтимоий марказлари орасида қандай муносабат мавжуд?
4. Умумшаҳар ижтимоий марказ тармоғи нималардан ташкил топади?
5. Ихтисослашган марказларга муайян тарихий шаҳар мисолида таъриф беринг

### Фойдаланилган адабиётлар:


1. Christopher Alexander, Sara Ishikawa, Murray Silverstein. A Pattern language Towns, buildings, construction. New York, Oxford university press,

2014. – 1096 с.: ил.

2. Аскаров Ш.Д. Архитектура Темуридов. – Т.: Изд-во “San’at”, 2009.

4. Бобоёрова Ш.Р. Кармана шаҳрининг марказини тиклашда тадқиқот асослари. Магистрлик диссертацияси. ТАҚИ, 2013.

5. Нурулин Т.С. Архитектура храмов Древнего Чача. Магистрская диссертация. ТАСИ, 2013.

6. Po’latov X. Shaharsozlik tarixi. O’quv qo’llanma. T.: 2008


## 3-маъруза. Тарихий шаҳарларнинг ўзаги (каркаси)ни қайта қуришни лойиҳалаш.

### Режа:

3.1. Таркибий тизимларни комплекс қайта қуришни лойиҳалаш.
3.2. Шаҳар негизини қайта қуришни лойиҳалаш.
3.3. Тарихий марказларни қайта қуришни лойиҳалаш.

***Таянч иборалар:*** *тарихий майдонларни қайта қуриш, Уйғониш давридаги қайта қуриш, Пополо майдони, Кристофор Ренн лойиҳаси, Рингштрассе, Осман фаолияти, Москва кремлининг қайта қуриш лойиҳаси, муҳандислик инфраструктураси, шаҳар негизини қайта қуриш.*

### 3.1. Таркибий тизимларни комплекс қайта қуришни лойиҳалаш.

Асрлар давомида шаклланган шаҳарсозлик тизимларни қайта қуриш, уларни замонавий талабларга бўйсиндириш (аҳоли зичлигини бартараф этиш, муҳандислик инфраструктураси билан таъминлаш ва бошқалар) ҳеч қачон силлиқ, равон кечмайди. Қайта қуришни амалга ошириш нафақат керакли лойиҳаларни ишлаб чиқиш, улар билан боғлиқ бўлган ташкилий – иқтисодий масалаларни ечиш кабиларга олиб келади, балки аҳолини турмуш тарзини, маиший ҳаётини, кенгроқ мазмунда ижтимоий психологияда ўзгаришларга олиб келади

Шаҳарларнинг ўсиши ва ривожланиши нафақат атрофидаги бўш ётган янги ҳудудларни қўшишни тақозо этади, балки қадимдан тарихий қатлам билан банд ҳудудларни қайта қуришни замонавий талабларга мослаштириш заруратини ҳам туғдиради. Қолаверса юқорида зикр этилган бўш ётган ҳудуд дейилган ибора ҳам нисбийдир. Бу ҳудудда ер устида онда-сонда эски қурилмалар учрайди, ер остида эса археологик ёдгорликлар янги замонга ўзини намойиш этиш учун ўз вақтини кутиб турган бўлиши мумкин. Қайта қуришни лойиҳалаш ҳар қандай шаҳарсозлик қатламига, ҳох у ер устида, ҳох ер остида бўлсин эҳтиёткорлик билан ёндошишни талаб этади.

Шаҳарсозлик тарихида қайта қуришга оид лойиҳаларини тузиш мисоллари кўплаб учрайди. Бундай лойиҳаларни амалга ошириш турлича бўлган. Баъзи ҳолларда амалга ошмаган, баъзан эса ҳаётга тўла ёки қисман ва ўзгартирилган ҳолда тадбиқ этилган. Европа шаҳарларидан олдин Флоренция, Рим, Лондон, Париж ва Москва шаҳарларига оид қайта қуриш лойиҳалари бажарилган.

Леонардо да Винчи Флоренция шаҳарини қайта қуриш мусаввада лойиҳасида Арнў дарёсини тўғирлашни назарда тутган. Олимнинг шаҳар транспортини бир қанча баландликларда – ярусларда ташкил этиш ғояси ҳам мавжуд.

Римнинг барокко давридаги шаҳарнинг қайта тикланиши шимолий дарвоза олдидаги Пополо майдонидан уч нур - кўча қурилиши билан характерланади. Бу шаҳардаги Испания пиллапояси икки сатҳдаги ўтган кўчаларни бирлаштиради. XVIII аср охири, XIX аср бошида Мичилитти раҳбарлигидаги комиссия томонидан шаҳар четкаларида янги турар жой туманлари режаланган.

Лондон шаҳрининг маркази бўлмиш Ситида 1666 йилдаги ёнғин оқибатини бартараф этиш учун Кристафор Ренн томонидан қайта қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳада икки нур каби ўтказилган кўча ажралади.

Австрия пойтахти Венада қадимги Рим даврида вужудга келган марказий қисми атрофида меъморий жиҳатдан ажратилган, турли стиллар бўйича ташкил этилган мажмуалар ҳалқаси - Рингштрассе вужудга келади.

XVIII асрнинг 2-ярмида Париж шаҳрида катта қайта қуриш ишлари бажарилади. Антисанитарияни, транспорт муаммоларини бартараф этиш мақсадида Сена префектида Осман бир неча кенг тўғри йўл ўтказади. Бундай ишларнинг ҳисобига шаҳардаги анчагина қарама-қаршиликлар бартараф этилади. Композицион жиҳатдан Катта диаметр мавқеи ошади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу ишларнинг натижасида тарихий муҳитга маълум даражада талофат етказилди.

Классицизм даврида тарихан эркин тарзда вужудга келган меморий мажмуаларга оид қайта қуриш ишлари лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ўтмиш услубларига классицизмга хос бўлган мунтазамлилик симметрия қўшиш харакати пайдо бўлди. Буни Афина акрополи ва Москва кремли мисолларида кўрсатиш мумкин. Москва кремлида Баженов томонидан Катта Кремл саройи лойиҳаланади. Афина Акрополида ва Москва кремлида мўлжалланган ишлар

амалга ошмади. Агарда бундай ишлар амалга оширилса, мажмуаларга катта бадиий шикаст етказилган бўлар эди.

Ҳозирги шаҳарларнинг кўпчилиги узоқ ўтмишга эга. Уларнинг пайдо бўлиши қадимги даврга бориб тақалади. Баъзилари ўрта асрларда пайдо бўлган. Айримларининг ўтмишлари нисбатан яқинроқ. Масалан, Шаҳрихон ва Шоҳобод каби шаҳарлар тарихан ёш шаҳарлар сирасига киради. Тарихий шаҳарлардаги меъморий ёдгорликлар замонавий ҳаётда фаол иштирок этиши мумкин. “A pattern language” китоби (940-page, 205 – pattern-улги: ижтимоий муҳит белгилаган тарҳий ечим)да Бухородаги Тоқи саррафон ўрта аср меъморий ёдгорлиги акс эттирилганлиги буни исботлайди. [10]

Тарихий шаҳарларда аксари бир-бирига жуда зид бўлган жиҳатлар мавжуддир. Қадимги шаҳарсозлик тузилмалари: кўча, турар-жой ва бошқа турдаги ёдгорликлар ўтмишдан эсдалик тариқасида шаҳарликларга жуда азиз бўлиши билан биргаликда, улар замонавий эҳтиёжларни тўла қондира олмайдилар. Кўчалар ҳозирдаги кўпдан-кўп ва серқатнов транспорт воситалари учун яроқсиз. Турар уйлар аксари муҳандисона жиҳозга эга эмас. Қайта қуриш лойиҳалари бу қарама-қаршиликларни тўла бартараф этолмаса ҳам уларнинг миқдорларини камайтириши ва кескинлигини юмшатиши лозим.

Тарихий шаҳарлар ўз ривожланишлари жараёнларида муайян шароитларга кўра бир-бирлариникидан фарқланадиган ўзига хосликларга эга бўладилар. Бундай шароитлар асрлар давомида аксари сақланиб келади. Демак, улар доимий характерга эга. Шуларга кўра қайта қуришнинг тадқиқот жараёнида тарихий шаҳарларнинг асрлардан асрларга оша давом этиб келаётган ўзига хосликларини пайқаб олиш, уни чуқур англаш жуда муҳимдир. Ва ўз навбатида бундай ўзига хосликларни қайта қуриш лойиҳалари инобатга олишга мажбурдир.

Ўтмишда бизгача етиб келган ҳар қандай меъморий ва шаҳарсозлик қолдиқлари, уларнинг сифат даражасидан қатъий назар жамиятнинг ҳозирги ва келгусидаги ҳаёти учун сув ва ҳаво каби зарурдир. У катта информацион қийматга эга.

Ёдгорлик ҳозирги кундан қанчалик узоқлашса унинг информацион тарихий қиймати шунчалик ошиб боради.

Ўзбекистон меъморий-шаҳарсозлик ёдгорликларининг қиймати тарихий информация билан чекланмаган. Айни вақтда уларда юқори даражадаги бошқа бадиий, услубий каби сифатлар мавжуд.

Меъморий ва шаҳарсозлик ёдгорликларини сақлаш тамойиллари миллий ва ҳалқаро миқёсидаги қонунлар билан белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида “Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир” деб алоҳида таъкидланган.

Ҳалқаро миқёсда меъморий ва шаҳарсозлик ёдгорликлари муҳофазаси масалалари UNESCO – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва

[10] Christopher Alexander, Sara Ishikawa, Murray Silverstein. A Pattern language Towns, buildings, construction. New York, Oxford university press, 1977; page 940

маданият масалалари билан шуғулланувчи бўлими, COMOS ёдгорликлар ва тарихий жойлар бўйича Ҳалқаро Кенгаш, CGROM – маданий мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича ҳалқаро тадқиқот маркази каби ташкилотлар шуғулланадилар.

Қайта қуриш шаҳар тузилмаларининг барча қисмларига тааллуқлидир. Асосий шаҳар морфологиясининг муҳимроқ бўлган қисми-унинг негизига қаратилган бўлиши лозим. Улар кўча, ариқлар кабилар характерига эга бўлади. Шаҳар тўқимаси ҳам юзавий характердадир ва у ҳажман шаҳар муҳитида каттароқ жойни эгалласада, эътиборан негиздан кейинги ўринда туради.

Тарихий шаҳарлар кўп ҳолларда паст-баландликда вужудга келган ва ривожланган бўлади. Негизни такомиллаштириш мақсадида релъеф албатта инобатга олиниши зарур. Бу ўз навбатида тарихий ҳудудларни таъмирлаш ишларини тақозо этади. Аксари, тор ва йўналиш бўйича эгри кўчаларни кенгайтириш, йўналишини тўғри чизиққа яқинлаштириш заруратини туғдиради.

Тарихий топографияда шаҳарларнинг деворлари ҳамда дарвоза ва қопқалари ўз изини қолдиради. Бу ўзига хос тарих муҳридир. Шаҳарнинг айлана қўрғон девори ўрнида ҳалқа йўл-кўча вужудга келади. Дарвоза ўрни эса аксари кўчалар тугуни билан белгиланиб қолади.

Ариқлар – ирригация тармоғидан Ўзбекистонда ичимлик суви ва дов-дарахтларни суғориш учун фойдаланилади. Улар Ўрта Осиё шаҳарларида беқиёс аҳамиятга эга. Улар тарихий шаҳарларга алоҳида кўрк-файз бахш этиб туради. Ҳозирги экологик шароитларда ариқлардан ҳозирда ичимлик суви манбаи сифатида фойдаланиб бўлмайди. Улар ўрнини сув ўтказгич тармоғи эгаллайди. Ҳар хонадонга кирган майда ариқларни аниқлаш зарурати йўқ. Йирик ариқлар тарихан шаклланган тизим сифатида сақланиб қолиши лозим. Тарихий ҳовузлар сақланиши ёки қайта тикланиши мақсадга мувофиқдир.

Тарихий марказларни қайта қуриш ишлари уларнинг миқёслари, ўз мавқеларини сақлаб келганлик даражалари, тарихий жойлашувлари ва шунга ўхшаш бошқа жиҳатларини инобатга олган ҳолда бажарилади.

Тарихий умумшаҳар марказларини қайта қуриш ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Аксари Ўзбекистон шаҳарларида эски ва янги шаҳарлар марказлари вужудга келганлигини инобатга олиб қайта қуриш ишлари олиб борилади. Одатда, эски шаҳар марказида савдо-сотиқ, ғоявий-мафкуравий функциялар устувор бўлганлиги туфайли ҳозирги вақтгача ўз мавқеларини сақлаб қолган баланд иморатлар алоҳида эътиборга лойиқ. Янги шаҳар қисмларида кўпроқ маъмурий функция етакчилик қилгани туфайли ҳозирги кунда ўз аҳамиятини бирмунча йўқотганлиги, режавий-тарҳий жиҳатидан ҳозирча шаҳарларнинг тизимида йирик ва мунтазам кўчалар йўналишларида ўз ифодасини топганлиги қайта қуриш ишларига таъсир кўрсатади.

Эски шаҳарларнинг марказлари юқорида қайд этилганидек ўз мавқеини аксари сақлаб қолганлар. Бундай марказлар Чорсу бозори сифатида танилган ва улар кўплаб туристларни жалб этади. Масалан, Тошкентдаги Эскижўва бозори, Самарқанддаги Сиёб бозори бундай бозорлардандир. Уларда чакана

савдо кенг миқёсда амалга оширилиши, ҳунармандлик маҳсулотларига кенг ўрин берилиши, қайта қуриш ишларининг асосий омилларидан ҳисобланади. Бундай бозорларнинг меъморлигида кичик ҳажмгача дўконлар салмоғи катта бўлади.

Тарихий майдон – Регистонларни қайта қуриш ишларида уларга тегишли бўлган биноларнинг сақланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Уч мадрасадан ташкил топган ва ҳажмий-фазовий жиҳатидан яққол ифода этилган Самарқанд Регистони жаҳонга довруғ таратди. Бухоро шаҳрида Арк билан Болоҳовуз оралиғида бўлган Регистон Самарқанд Регистоничалик таассурот қолдирмайди. Баъзи шаҳарларнинг, масалан Тошкентнинг Регистонини у ёки бу даражада қайта қуриш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Шаҳарларнинг тарихий бўлинмалари, яъни даҳа ва маҳаллалар марказларини қайта қуриш ишлари мавжуд ҳолатга мос равишда, бир-бирларидан фарқ қилинадиган йўсинларда амалга оширилади. Даҳаларнинг марказлари йирик бинолардан ташкил топган. Уларни қайта қуриш ишлари меъморий комплекс ва ансамблларга оид тамойиллар асосида олиб борилади.

Тошкентдаги Ҳазрати Имом ва Зангиота меъморий мажмуалари дастлаб Себзор даҳасининг маркази вазифасини ўтаган ва у ерда мустақиллик йилларида катта ҳажмда олиб борилган ишлар қайта қуриш ишлари сирасига киради.

Маҳаллаларнинг марказлари – қадимги гузарлар яхлит мажмуа сифатида деярли сақланмаган. Айни вақтда гузарларнинг кўпчилиги замонавий бино ва иншоотлардан иборат. Айрим ҳолларда бундай янги гузарлар таркибига халқ меъморлиги тамойиллари бўйича барпо этилган бинолар киритилган. Булар орасида маҳалла масжиди тариқасида қурилган бинолар ҳам бор.

Тарихий шаҳарлардаги ҳозирги маҳаллалар аксари қадимги бир неча маҳаллардан ташкил топган. Қадимги, яъни XIX аср охири - XX аср бошига оид маҳаллалар ўз эволюцияси жараёнида замон тақозосига асосан маъмурий функция талабларига кўра йириклашув жараёнини ўз бошидан ўтказган. Йириклашув кўпроқ қўшни маҳаллаларни ўзига сингдириш асосида амалга ошган. Бу ҳол мавжуд йириклашган тарихий маҳаллаларнинг қайта қурилишида ҳисобга олиниши лозим. Ҳозирги йирик тарихий маҳаллалар фақат унга хос бўлган ривожланиш тамойилини мумкин қадар ўзида кўрсата билиши, бошқача қилиб айтганда олдинги барча кичик маҳаллаларни акс эттира билиши керак.

Ҳозирги тарихий маҳаллалар ҳудудида турар уйлардан ташқари кўплаб жамоат бинолари жойлашган бўлиб, улар аксари замонавий меъморликка мансубдир. Бундай бинолар орасида ўтган асрнинг 50-60 йилларида барпо бўлганлари ҳам мавжуд. Маҳаллалар меъморлигини белгилашда, айниқса сўнгги даврга, мустақиллик йилларига мансуб иморатлар салмоқли ўринни эгаллайди.

Тарихий маҳаллалардаги замонавий турар уйларни қайта қуриш ишлари уларнинг турларига қараб олиб борилади. Ўтган асрда давлат томонидан барпо бўлган турар уйлар ўзларининг баъзи ноёб функционал, конструктив ва

бадиий-эстетик жиҳатлари билан қайта қуришга мухтождир. Зикр этилган камчиликлар авваллари ҳам аҳоли томонидан маълум даражада бартараф этилиб келинган: балконларни деразалар билан бекитилиши, ички тарҳий режаларни ўзгартириш каби ишлар. Қайта қуришни лойиҳалашда бу каби амалиётдаги ўзгартирувлар назарда тутилиши лозим.

Қайта қуриш ишларида тарихий шаҳарлардаги якка тартибда қурилган уйлар ўзларининг тузилишларида турли даврларга мансуб бўлганлиги ҳам ҳисобга олинади. Қадимийроқ, меъморий-режавий сифатлар бўйича мукаммалроқ ҳамда мустаҳкамроқ қисмлари қийматлироқ ҳисобланади.

Мумкин қадар турар уйларнинг энг қадимги қисмларини алоҳида сақлаб қолишга харакат қилиш лозим. Қадимийларга қараганда кейинги даврларда барпо бўлган қисмларини кўпроқ ўзгартириб, янги талабларга кўпроқ мослаштирса мақсадга мувофиқ бўлади. “Евро” услубидаги турар уйлар ва уларнинг қисмларини муайян ҳолатларга қараб сақлаш-сақламаслик масаласи ҳал этилади. “Евро” услубини бутунлай инкор этиш мақсадга мувофиқ эмас. Тарихий маҳаллалардаги турар уйларни қайта қуришда уларнинг асосий сифатлари: яшаш сатҳининг ерга яқинлиги (1-2 қаватлилиги), аҳолининг маиший ҳаёти ҳовли ва унинг атрофидаги хоналардан ташкил этилиши кабилар сақлаб қолишга лойиқ меъморий анъаналар сирасига киради. Турар уйларнинг ерга яқинлик жиҳати кам қаватли, “гилам сифат” қурилмаларни (“ковровая застройка”) қўллаш воситаси орқали рўёбга чиқади. Тошкентдаги Обиназир маҳалласида (Ц-27) профессор Г. Коробовцев томонидан лойиҳаланган 4 қаватли турар уйда ҳар хонадон ўзига хос ҳовлига эга.

Совет даврида тарихий хонадонларни бошқа функциядаги иморатлар: поликлиника, боғча, маъмурий бино сифатида фойдаланиш кенг тарқалган эди. Бу хонадонлар аксари катта ҳажмли ва бир қанча ҳовлиларга эга бўлган. Уларнинг аксари бойлардан мусодара қилинган. Бошқа вазифада фойдаланилган бундай уйларда ҳажмий-режавий ўзгаришлар нисбатан кам бўлган. Ўзгаришлар кўпроқ ички хоналарнинг жиҳозига тегишли эди. Бойларнинг уйларини янги функцияга мослаштириш ишлари, лойиҳасиз амалга оширилган бўлсада, бундай тажрибани бутунлай инкор этиб ҳам бўлмайди.

Баъзи ҳолларда тарихий турар уйларнинг энг муҳим ва безакдор бўлган қисмидан, яъни меҳмонхоналаридангина фойдаланилган. Масалан: Давлатёр Оқсоқол турар уйининг меҳмонхонасидан қишлоқ кутубхонаси сифатида фойдаланилган (Янгийўл тумани XX асрнинг 70-йиллари). Бу ҳам қайта қуришнинг бир шакли ҳисобланади.

Ҳозирги замондаги якка тартибда янги уйлар қуриш амалиётида, жумладан “Евро” услубда қурилаётган турар уйларда хоналар баъзан қадимги анъаналар бўйича қурилган меҳмонхоналарга эгадир. Уларда вассажуфт, шарафа каби анъанавий унсурлар ишлатилади. Қадимда кенг қўлланилиб келинган япалоқ ғиштлардан ҳам фойдаланилади. Интерьер хонтахта, кўрпача, болиш каби буюмлар билан жиҳозланади.

Қайта тикланиши зарур бўлган услуб ва унсурлар нафақат шаҳар турар уйларига, балки дала ҳовлиларга ҳам тегишлидир. Пахса ўймакорлиги,

боласўри кабиларни ҳозирги замонда қўллаш ўринли бўлади. Хоразмдаги Чодра ҳовли каби иншоотлар лойиҳавий ишларда қўлланилса ҳалқ меъморлиги анъаналарининг ривожига салмоқли ҳисса қўшилган бўлур эди.

## 3.2.Шаҳар негизини қайта қуришни лойиҳалаш.

Тарихий шаҳарнинг қайта қуриш лойиҳасини тузишда эътибор аввало унинг негизи бўлмиш кўчалар тизимига берилади. Янги транспорт тизимини шакллантиришда тарихий бош кўчалар (шаҳар марказлари, чорсуларни дарвозалар билан бирлаштирувчи йўллар) ўз мавқеларини аксари йўқотадилар. Қайта қуриш амалиётида кўпинчалик қурилмалар ниҳоятда зич ва сергавжум бўлган шаҳарларнинг марказлари атрофида янги кенг ҳалқа кўча ҳосил этилган. Бу тузилган бир қанча қайта қуриш лойиҳаларида ўз тасдиғини топган.

Ҳозирги даврдаги шаҳарларда улов (транспорт)нинг аҳамияти катта. У мураккаб тизим (инфраструктура)ни ташкил этади. Транспорт қатор қулайликлар яратиш билан биргаликда чигал муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Бу муаммоларнинг айримлари қайта қуриш жараёнида ҳал этилади. Транспорт инфратузилмасини қайта қуриш заруриятини бирқанча сабаблар юзага келтиради. Жумладан қуйидагиларни таъкидлаш жоиз. Шаҳарларда улов ва пиёда харакатлари тобора кўпайиб бориши боис шаклланиб бўлган кўчалар тармоғи харакат ҳажмини катта ноқулайликлар билан амалга оширилади. Кўча ва йўллар эса шахсий, жамоат ва юк транспорти харакат турларига ҳамда оптимал тезликка мос келмай қолади. Улов ва пиёда харакатланадиган кўча ва йўлларнинг кўпчилиги бир сатҳда кесишган бўлиши ҳавфли вазиятларга олиб келади.

Қайта қуришни амалга ошириш воситасида шаҳарнинг асосий қисмлари ўртасида боғлиқлик оптималлашади, бу қисмларнинг ривожланиши учун имконият яратилади. Ундан ташқари қайта қуриш шаҳардаги харакат ҳажмини рационал тарзда тақсимланишни, харакат тезлигини қулайлик, комфорт билан амалга оширилишини, шаҳар коммуникацияси билан шаҳар қисмлари билан узвий равишда ривожланиши учун асос яратилишини таъминлаши зарур.

Шаҳардаги юмуш (функционал унсур)лар билан улов (транспорт) ўзаро чамбарчас боғлиқликдадурлар. Сосновский В. бўйича харакатларнинг амалга оширилиши тийнати (характери)га ва аҳамиятига қараб, бундай боғлиқликларнинг икки гуруҳини фарқлаш мумкин. Биринчи гуруҳдаги боғлиқликларда харакат интенсив равишда ўтади, тирбандликка олиб келиши ҳам мумкин. Йирик ишлаб чиқариш, муҳим хизмат кўрсатиш марказларида бундай боғлиқликлар мавжуд. Иккинчи гуруҳдаги боғлиқликларда харакат нисбатан осойишталик билан ўтади, маълум даражада у ички изоляцияни (мактаблар ва ҳ.к.) талаб этилади. Бундай боғлиқликлар дам олиш зоналарида, мактабларда ва шу кабиларда кузатилади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, транспорт коммуникацияси ўзига функционал унсурларни кучли тарзда тортади. Бошқача қилиб айтганда

коммуникацияга туташ бўлган ҳудудлар тез ўзлаштирилади. Бу ҳол коммуникацияни қайта қуриш самарадорлигини кўрсатади.

Қайта қуриш жараёнида кўча ва йўллар тармоғи унда харакатда бўлган улов ҳамда пиёда оқимлари ҳажмига ва таркибига мос бўлиши зарур. Бунга Сосновский В. баён қилишича, тармоқни умумлаштириш (магистраллаштириш) ва хослаштириш (ихтисослаштириш) орқали эришиш мумкин. Магистраллаштириш харакат ҳажмига кўра амалга оширилади: улов ва пиёда оқимлари харакатлари шаҳарнинг қисмларини боғлаган тармоқда тақсимланади; умумшаҳар марказига хизмат қилувчи йўналиш етакчилик қилади. Хослаштириш харакатларнинг турларига ва тезлигига кўра амалга оширилади: шаҳарнинг ҳар хилдаги функцияларни бажарувчи қисмлари махсус, бошқаларникидан фарқланадиган сифатларга эга бўлган оқимларни ўзларига тортадилар. Бунда пиёдалар харакати муҳим омил сифатида ҳисобланади. Улов ва пиёда тармоқларини қайта қуриш мумкин қадар тарихан шаклланган тармоқни ривожлантиришни ҳамда айни вақтда зарур ҳолларда уни янгича шакллантиришни тақозо этади.

### 3.3.Тарихий марказларни қайта қуришни лойиҳалаш.

Марказларни қайта қуриш қадимда улар қай даражадаги шаҳарсозлик бирликларига хизмат қилганлиги билан белгиланади. Марказларни қайта қуриш лойиҳалари сирасига юқорида баён этилган тадқиқотга монанд равишда уч туркумдаги марказлар лойиҳаларини таснифлаш жоиздир. Булар: умумшаҳар, йирик шаҳарсозлик бўлинма – даҳа ва кичик шаҳарсозлик бўлинма – маҳалла марказларининг лойиҳаларидир. Лойиҳалашни бундай таснифи жуда схематикдир. Кўп ҳолларда умумшаҳар марказини лойиҳаси даҳа маркази қисмларини ҳам ўзига олади ва аксинча – даҳа маркази лойиҳаси умумшаҳар маркази қисмини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

*Умумшаҳар марказларни қайта қуришни лойиҳалаш.* Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда деярли ҳар қандай тарихий шаҳар бош маркази ҳозирги вақтда ҳам ўз мақеини сақлаб қолган. Икки тизимли (эски ва янги қисмлардан иборат) шаҳарлар ҳам бундан мустасно эмас. Лойиҳа тузишда эски шаҳарларнинг марказларида янгиларииникига нисбатан сергавжумроқ бўлиши, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик функциялари кенгроқ ўрин эгаллаши, янги шаҳарларнинг марказларида эса эскиларииникига нисбатан расмий – маъмурият функциялари жо бўлганлига катта таъсир кўрсатади.

*Даҳа марказларини қайта қуришни лойиҳалаш.* Тарихий йирик шаҳарсозлик бўлинма (даҳа)лари марказларини лойиҳалаш меъморий шаҳарсозлик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Юқорида қайд этилганидек, даҳа марказлари кўпроқ диний-мафкуравий характерга эга бўлади ва аксарият даҳада машҳур бўлган шахс мақбараси теварагида вужудга келган мажмуани қайта қуриш, уни ободонлаштириш, замонавий зиёратчиларнинг эҳтиёжларига мос муҳандислик тармоқлари билан таъминлаш кабилар лойиҳа ишларида ўз аксини топади.

*Маҳалла марказларини қайта қуриш.* Ҳозирги вақтда тарихий шаҳар ҳудудидаги замонавий маҳалла ўзининг янги чегаралари ичида бир қанча (икки-уч ва ундан ҳам кўпроқ) тарихий маҳаллаларни қамраб олиши бундай

марказларнинг қайта тикланиш масаласига алоҳида ёндашувни тақозо этади. Бунда гап қадимги маҳаллаларнинг марказларини қайта қуриш, балки кўпроқ замонавий маҳалланинг янги марказини – гузарини барпо этиш тўғрисида бориши лозим. Кўп ҳолларда янги марказ – гузар бирор тарихий маҳалла маркази негизида ташкил этилади. Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуасини қайта қуриш жараёнида нафақат қадимги Себзор даҳасининг маркази қайта тикланган, балки унда мажмуа билан боғлиқ ҳолда замонавий “Истиқлол” маҳалла маркази – гузарни ташкил этиш масаласи ҳам ечилган. Пойтахтнинг Уйғур кўчасидаги Исломобод маҳалласининг гузари бошқача тарзда ташкил этилган.



Расм 2.1-1. Псков ш. марказини қайта қуриш лойиҳаси. Шаҳар ривожланиши ўртадаги Великая дарёсининг чап тарафида мўлжалланган



Расм 2.1-2. Новгород ш. марказини қайта қуриш лойиҳаси. Шаҳар ривожланиши Волхов дарёсининг иккала: София ва Торг томонларида мўлжалланган




Расм 2.1-3. Ярославл ш. марказидаги қайта қуриш лойиҳаси. XVII а. охири. Ёдгорликларнинг композицион мавқелари сақлаб қолинган



Расм 2.1-4. Бухоро ш. марказини қайта қуриш лойиҳаси варианти. Тарихий шаҳар панорамасига алоҳида урғу берилган



Расм 2.1-5. Боку ш., Ички шаҳар; қадимги шаҳар – “Ичери шехер” яхлит муҳит сифатида сақланган




Расм 2.1-6. Шаҳар маркази тузилмаси ва улов инфратузилма ривожланишларининг ўзаро боғлиқликлари: 1 – шаклланган марказ, 2 – марказ тузилмасидаги янги унсурлар, 3 – тезкор улов алоқалари, 4 – режавий туман (“планировочный район”) чегаралари.




Расм 2.1-7. Шаҳарлар тарихий марказларини қайта тикланишида пиёда ҳудудларининг шаклланиши: а – Харьков, б – Рига (танлов лойиҳаси), в – Монреал: 1 – мавжуд ҳолат, 2 – ривожланиш лойиҳаси. Тарихий марказда пиёдалар кўчалари ер устида (а,б) ёки ер остида ташкил этилади. Улов ва пиёдалар харакатларини холислаштириш мос равишда бир ёки бирнеча сатҳларда ташкил этилади.




Расм 2.1-8. Тарихий – шаҳарсозлик таҳлил: а – Углич, б – Кастрома




Расм 2.1-9. Шаҳар-марказ таъсир доирасини аниқлаш: 1 – аҳоли пунктлари, 2 – шаҳар-марказ, 3 – шаҳар-марказнинг таъсир ҳудуди чегараси




Расм 2.1-10. Тошкент шахрини районлаштириш: тепада – 1970 й. бош тарҳи бўйича; пастда – районларни йириклаштириш схемаси



